

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan email: uzas@mcs.uz 2013-yil 8-mart • №10 (4201)


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она-юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олийжаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда – ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Соғлом она – соғлом бола" сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол – мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида, аввало, ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани, айниқса, эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш — 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари.** А.Абдуллаев, С.Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.

## ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ

### "Туркистон" саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шароит яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она – соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораста қизлар» тўгаракларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



Муҳаммад АМИН олган сурат.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совғаси топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болаликдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни қунт билан ўрганди. 2002 йилда ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадиган ушбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Кўплаб халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари – Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган "Тошкент опен" халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида ғолиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислом Каримов совғаси – замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

– Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришаётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиқлолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайлидир, – деди халқаро гроссмейстер Н.Мўминова. – Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Юртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компъютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш– менинг ҳам олий мақсадим. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА**

## МУШОИРА

Тадбир

Оламдаги энг муқаддас инсон – она, дунёдаги энг муқаддас қўшиқ – алла. Дунёда энг кўп шоира аёллари бор юрт — бу Ўзбекистон.

Аёл ижодкорлар орасида давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотланган уюшма аъзолари анчагина. Миллат маънавиятини ривожлантиришда уларнинг хизматлари катта. Ижодкор хотин-қизларимизнинг бадиий-публицистик асарлари, турли жанрдаги китоблари халқимизнинг маънавий мулкига айланмоқда.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мушоирада иштирок этган шоирлар ва адиблар, журналистлар ва талаба-ёшлар шу ҳақда фикр юритдилар. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ижодкор аёлларимизни байрам билан муборакбод этишди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, адабиётшунос олима Суйима Ғаниева, адиба Олмос Аҳмедова, шоиралар Шарифа Салимова, Қутлибека Раҳимбоева, Марта Ким, Минайхон Жуманазарова дил сўзларини изҳор этиб, баҳор, аёл, муҳаббат мавзуидаги шеърларидан ўқидилар.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, уюшма томонидан биринчи китоблари чоп этилган ҳамда турли ижодий танловлар ғолиби бўлган ёш шоира қизлар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди. Энг фаол ижодкор аёлларга Ёзувчилар уюшмасининг байрам совғалари топширилди.

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари


Айшолпан Оразимбетова (Қорақалпоғистон)


Саидабону Абдусаломова (Андижон)


Нафосат Жўрабекова (Бухоро)


Ирода Матмуротова (Жиззах)


Гулҳаё Абдуллаева (Қашқадарё)


Нигора Тўймуродова (Навоий)


Шоҳиста Рашидова (Наманган)


Камила Суярова (Самарқанд)


Маҳзуна Абдурасулова (Сирдарё)


Сарвиноз Шайдуллаева (Сурхондарё)


Муҳаббатхон Тоирова (Тошкент вилояти)


Фаридахон Умаралиева (Фарғона)


Сабоҳат Роҳатова (Хоразм)


Робия Рўзиева (Тошкент шаҳри)

# ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ФАОЛ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзозда бўлган, беғубор орзу-интилишларга қанот бағишлаётган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. – Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари – Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Зулфияхоним издошлари сафига қўшилган қизлар – Бухоро Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинкўл Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг "Мушоира" шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойесида миллий ҳунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР

Русийзабон адабиёт кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиш бўлиб ўтди. Кенгаш раиси Алексей Устименко 2012 йилда Русийзабон адабиёт кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Истеъдодли шоира Алена Дадаева раҳбарлигида ёш ижодкорлар семинари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Фарғона водийси ижодкорларини бирлаштирган шундай семинар машғулотлари Антонина Иплина раҳбарлигида Наманган шаҳрида ташкил этилган. Ушбу ижодий тўгаракларда янги асарлар қўлёзмалари муҳокама этилиб, бошловчи ижодкорларга зарур маслаҳатлар берилмоқда.

"Звезда Востока" журналида ўзбек шоир ва ёзувчилари асарлари рус тилида эълон қилинаётир. Интернетда русийзабон ўзбек ёзувчиларининг "russkoeslovo.uz" сайти очилган.

Русийзабон адабиёт кенгаши қошида Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг ижодий меросини ўрганиш комиссияси тузилди. Шоир ҳақида хотиралар китоби ва унинг насрий асарлари тўплами нашрга тайёрланмоқда. "Ижод" фонди ҳомийлигида "Муаллифнинг биринчи китоби" рукнида нашр этиш учун Алена Дадаева ва Людмила Цой шеърий тўпламлари тавсия этилди.

Тадбирда "Звезда Востока" журнали бош муҳаррири ўринбосари Клавдия Панченко, ёзувчилар Абдулҳаким Фозилов, Владимир Васильев, Ёқуб Хўжаев ҳозирги адабий жараён ва унда русийзабон ижодкорларнинг иштироки хусусида фикр юритдилар.

### Ёзувчилар уюшмасида

# АДАБИЙ ТАНҚИД ВА БАДИИЙ САВИЯ

Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Танқид ва адабиётшунослик кенгаши раиси Ҳамидулла Болтабоев ўтган йили кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бериб, Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияга тақдим этилган маърузалар китоб ҳолида нашр этилгани, Навоийнинг хорижлик тадқиқотчилари, машҳур навоийшунос олимлар иштирокида жойларда бўлиб ўтган илмий анжуманларнинг аҳамиятини таъкидлади. Шу йилнинг 21-23 февралидаги "Маънавият ҳафталиклари" доирасида 60 дан ортиқ китобнинг тақдимоти ўтказилди.

Адабиётшунос олимлар Баҳодир Каримов 2012 йилда эълон қилинган адабий-танқидий китоблар, Каромат Муллахўжаева ўзбек мумтоз адабиётшунослиги, Санобар Тўлаганова "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Тафаккур", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган адабий-танқидий мақолалар бўйича маъруза қилдилар.

Баҳодир Каримов Абдуғафур Расуловнинг "Ғаройиб салтанат", Улуғбек Ҳамдамнинг "Янги ўзбек шеърияти" китоби ҳамда "XX аср ўзбек адабиёти масалалари" мажмуаси, "Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи" дарслигига алоҳида тўхталиб, А.Носировнинг "Одил Ёқубов романлари поэтикаси" китобидаги ғализ жумлалар, маънисиз таржималарни танқид қилди. "Зотан, Абдулла Қодирий айтганидек, "Сўз сўзлашда узоқ андиша керак. Муаллифнинг ўзи тушуниб бировнинг тушунмаслиги катта айб саналади", деди у.

Каромат Муллахўжаева Иброҳим Ҳаққулнинг "Навоий ва юнон адабиёти", Қодиржон Эргашевнинг "Янглиш талқинлар", Бобомурод Эралиевнинг "Фарҳоднинг ташрифи", "Тўрт қаср тарҳи", Афтондил Эркиновнинг "Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони" каби адабий-танқидий мақолалардаги илмий янгиликлар, теран ва тиниқ ифода усулларини таъкидлаб, мумтоз адабиёт масалаларига бағишланган мақолалар тили ҳақида сўзлади.

Санобар Тўлаганова газета-журналларда эълон қилинган мақолаларни танқидий-таҳлилий мақолалар, обзор характеридаги мақолалар, адабий суҳбатлар тарзида шартли равишда уч гуруҳга бўлган ҳолда таҳлил этди. Адабиёшунос олимлар Умарали Норматов, Асрор Самад, Муҳаммаджон Холбеков, адиб Адуқаҳҳор Иброҳимов ва бошқа ижодкорлар Навоий даври бадиий асарларининг илмий-танқидий матнини яратиш, адабиётимизни даврлаштириш, мумтоз адабиёт ва бадиий таржима муаммолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Рустам МУСУРМОН**

# ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Ўзбекистон давлат консерваторияси ва "Terra Group" компанияси билан ҳамкорликда икки йилдан буён ўтказиб келаётган "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ёш истеъдодли хонандаларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ва ижодини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестивалда ўз маҳоратларини муносиб намойиш этган хонандалар "Наврўз" ва Мустақиллик байрами дастурларида иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир. Зеро, истеъдодли ёшлар катта саҳналарда овоз имкониятларини фонограммасиз дадил намойиш этиб, ўз тенгдошларига, санъат остонасига дастлабки қадамларини ташлаётган ҳаваскор ижрочиларга ўрнак бўлмоқдалар.

3 март куни пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди. "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган мазкур концерт дастурини ёш бошловчилар Анвар Тожибоев ва Умида Ҳамидова олиб борди. Дастурни Фарҳод Абдуллаев раҳбарлигидаги "Истиқлол" оркестри "Бахтиёр кунлар" куйи билан очди. Ансамбл концерт давомида аксарият хонандалар ижросига маҳорат билан куй чалиб жўр бўлганини таъкидлаш жоиз.

Ёш хонандалардан Малика Эгамбердиева, Рушана Аҳмадхўжаева, Марат Содиқов, Муниса Ризаева, Амира Алибекова, Сардор Мамадалиев, Ҳилола Хўжаева, "ЭлДиДо", "Дурдона" гуруҳлари ижросидаги қўшиқлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. "Тумор" рақс ансамбли ижросидаги рақслар, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри солистлари Нодира Ҳамроева ва Замир Фазлутовнинг балет номерлари қўшиқларга ўзгача жозиба бахш этди.

Тадбир давомида ёш хонандалар Дилсўз (Гўзал Жуманиёзова) ва Амира Алибековага ҳамда "ЭлДиДо" (Э.Хушвақтов, Д.Ғаффоров, Д.Ҳакимов" гуруҳига "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг дипломлари ва бир йиллик имтиёзли лицензиялар топширилди.

Таниқли санъаткорлар Озодбек Назарбеков, Зулайҳо Бойхонова, Ўктам Аҳмедов, Алишер Файз, Ботир Қодиров, Лола Йўлдошева ижросидаги қўшиқлар дастурга файз бағишлади.

**Ўз ахборотимиз.**

# АЁЛГА, АВВАЛО, ОНА ДЕБ ҚАРАНГ...

**Фарзандларимиз улғаяркан, уларнинг феъл-атворига, хатти-ҳаракатига, фикрлаш қобилиятига қараб келажакда амалга ошира оладиган ишларини хаёлан тасаввур қиламиз. Бирор-бир соҳага уқуви, истеъдодини пайқасак, ана шу йўналишга йўналтирамиз. "Бола бошидан...", деган нақл жуда ўринли айтилган. Ҳозир ўғил ва қиз болаларнинг жамиятда ўз ўринларини эгаллашига жиддий эътибор қаратилмоқда. Қизлар илмда ҳам, спортда ҳам ўғил болалардан ўзса, ўзяптики, ортда қолаётгани йўқ...**

Шундай ўй-хаёллар билан юрган кезларимда қизчамдаги бир ҳолат мени шошириб қўйди. Табиатан шўх, ҳозиржавоб, ақлли, тиришқоқ, ҳис-туйғуларини жиловлай биладиган қизимнинг келажагини шифокор қиёфасида ёки бундан-да масъулиятлироқ бир касбда кўрардим. У доим ўзича куйиб-пишиб бизни "даволаб" юради. Уйимиздагилар унда ўғил боланинг шижоатини, бир сўзлилигини кўриб қувонишади.

Бир куни ишдан келсам, қизим хонада нимадир қидириб тимирскиланиб юрибди. "Нимани қидиряпсан?", деб сўрадим. "Опачамнинг кичкина ўйинчоқ бешигини", деб жавоб қайтарди. "Уни нима қиласан?". "Мактабга чиққач, катта қиз бўлиб ўйинчоқ ўйнолмайман. Бувим айтдилар: бир пайтлар опачамнинг бешикчалари бўлган экан. Бешикка қўғирчоғимни солиб, алла айтмоқчиман". Унинг бу гапларидан ҳайратга тушдим, негаки, шу пайтгача қўғирчоқ, бешик, деб бошимни қотирмаганди.

Мен унга бешикча йўқолгани, қидириш бефойдалигини тушунтирдим. Лекин у "янги бешик олиб беринг", деб ҳоли-жонимга қўймасди. Ҳар куни ишдан келишим билан қачон бешикча олиб келишимни сўрарди. Ниҳоят маош олган куним бозорга тушиб ҳунарманд устадан ўйинчоқ бешик сотиб олдим. Бу совға ўзимни ҳам хурсанд қилди. Уйга боргач, қизчамнинг қўлига бешикни тутқаздим ва уни зимдан кузатдим. Бешикни кўриб чеҳраси шундай ёришдики, гўё еттинчи осмонда учаётгандек эди. Бешикни авайлаб ерга қўйиб, қўғирчоғини меҳр билан ётқизди, сўнг бешик ёпқичларини оҳиста тушириб ҳали мен эшитмаган майин овозда алла айта бошлади. Қаердан ўрганган, билмадим-у, бироқ аллани бошдан охиригача ёддан айтиб тугатди. Беихтиёр кўзимга ёш келди. У эса менга имо қилиб қизи ухлаб қолганини, уйдан оёқ учида чиқиб кетишимни сўради. Мен у айтгандек оёқ учида ташқарига чиқарканман: сен ҳам юр ошхонага, овқатланамиз, дедим имо-ишора билан. Аммо у унамади. Нима эмиш, қизи уйғониб қолармиш: у хонада йўқлигини билса, йиғлармиш. Унинг бешикдаги қўғирчоғига кўрсатаётган меҳр-эътибори ҳақиқий оналарникидек эди.

Ҳали олтига ҳам тўлмаган қизимнинг бунчалик ҳис-ҳаяжонга берилишини биринчи бор кўриб турардим. Ошхонада бу воқеани уйимиздагиларга айтиб берганимда улар ҳам ҳайратга тушишди. Шунда қайнотам: "Кўрдингларми, табиатнинг нақадар буюклигини. Қиз боладаги она бўлиш ҳиссиёти унинг феъл-атвори қандай бўлмасин, туғилган заҳотиёқ пайдо бўлар экан-да", дедилар.

Демак, бундай туйғу ўғил болаларда ҳам бўлади. Фақат бу ҳиссиётларни кучайтириш, уларга эътибор билан қарашимиз зарур. "Қуш уясида кўрганини қилади", деймиз. Ота-оналар фарзандлар учун тайёр намунадирлар. Агар ота оиласига совуққон, беэътибор бўлиб, шунчаки уйига келиб-кетиб турса, асосий ишим пул топиш қабилида фарзандининг хоҳиш-истаги, ўй-фикри билан қизиқмаса, қандай кийим кийиши, ўқишга вақтида бориб-келишини назорат қилмаса, қўшимча дарс ёки тўгаракларга қатнашаётгани, ойна олдида қанча вақт ўтказишию илм олишга қанча вақт сарфлашига эътибор бермаса, — хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, — ундан оила устуни — яхши ота-она чиқиши қийин. Айрим оналаримиз қизларини ўқитишдан кўра фалон пул сарфлаб, сеп йиғишга киришиб кетишади. Тезроқ дабдабали тўй қилиб, атрофдагиларга йиққан сарполарини кўз-кўз қилса, бас. "Қизим ҳали ёш бўлса, бир оиланинг иссиқ-совуғига кўникиб кета оладими, фарзандларини бешикаст, соғлом қилиб вояга етказишга тайёрми?", деган савол уларни деярли қизиқтирмайди.

Кўпинча фарзандимиз бирор ножўя ишга қўл урса хотиржамгина: "Ҳа, келинпошша, қизингиз худди ўзингизга ўхшайди", деймиз, ёки: "Отасига тортган-да", деб қўя қоламиз. Бу гапни эшитган болада ножўя ишидан уялиш ўрнига, аксинча, "отамга тортган эканман-да", деган фахр пайдо бўлади. Қилмишини оддий ҳолат деб қабул қилади.

Илгари ота-оналар бирон иш устида тортишиб қолишса, болаларни алоҳида уйга киргизиб, эшикни бекитиб овозларини кўтармай муносабатларини ойдинлаштириб оларди. Ҳозир бундай "эҳтиёткор"лик анча сусайган. Эр-хотин тап тортмай, фарзандлари олдида бақириб-чақиришади, бир-бирини ҳақоратлашади. Жанжалдан юрак олдирган ёш болалар кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, нима қилишларини билмай қўрқиб-титраб туравеиришади. Қўшни келиннинг айтишича, бошланғич синфда ўқийдиган фарзанди эр-хотин уришаётган пайтда ўртага тушиб: "Илтимос уришманглар, дарсимни қилолмаяпман, муаллимим уришади" дебди. Улар эса: "Ҳой тирранча, сен аралашма, ҳали катталарга ақл ўргатишга ёшлик қиласан", деб хонадан ҳайдаб чиқаришибди. Келиннинг айтишича, жанжалдан сўнг фарзандини анча пайтгача тушунарсиз тушкун кайфият тарк этмабди. Бу ҳолат ота-онани хавотирга солибди. Шундан кўринадики, уйда бўлаётган ҳар қандай гап-сўз уларнинг руҳиятига таъсир этмай қолмайди. Бундай ҳолатнинг тез-тез такрорланиши уларнинг ҳаётга, келажакка бўлган умидини, иштиёқини, ғайратини сўндириши турган гап.

Бир оилани биламан. Фарзандларини ҳаддан зиёд эркалашади. Биттагина ўғил, деб қўлини совуқ сувга урдирмайди. Доимо кўнглига қарашади. Йигит ўттиз ёшга чиқибди ҳамки, оила қуриш ҳақида жиддийроқ ўйламайди. Фақат ота-онаси "Ким бизга қизини берsuccessкин, тайинли ҳунари ҳам, иши ҳам бўлмаса, зўрға ўрта мактабни битирди, ҳали ўзига қўшиб келин билан болаларини ҳам боқиб ўтирмасак гўрга эди. Биз нотўғри иш тутибмиз, болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиш оқибатини ўйламабмиз", деб афсусланишади. Ўғлига насиҳат қилмоқчи бўлишса, уларни беҳурмат қилиб, терс гапиришдан нарига ўтмас экан.

"Ҳаммаси бизнинг айбимиз. Бизнинг ортиқча меҳримиз уни шу ҳолга келтириб қўйди", деб куйинишади улар.

Кийим-кечак бозорида бир онабола диққатимни тортди. Ўн икки ёш атрофидаги ўғил бола "Ҳозирда урф бўлган почаси тор шимни олиб берасиз, бошқасининг кераги йўқ", деб ғўлдирарди. Қизиқиб кузатиб турсам, онаси ҳам фарзандининг гапини икки қилмай, "Бувинг билан дадангга бошқачаси йўқ экан деймиз, хўп, эсингдан чиқмасин", дея ўша шимни олиб берди. Уларнинг ёнидаги кап-катта йигит эса тиззадан тепаси кенг, пасти эса оёғига ёпишиб турадиган шимни сотиб олаётганига кўзим тушди. Нега ота-оналар ёшларнинг бундай кийинишларига "Мода экан-да", деб қўл силтаб қўя қолишади? Бундай шимлар кийиш ўғил болаларга номуносиб эканини, қолаверса, соғлиқлари учун ҳам зарарли эканини тушунтириш, наҳотки улардан кўп вақт талаб қилса? Фарзандга ортиқча меҳр қўйиш, уларни ҳаддан зиёд эркалатиш, ноўрин бўлса-да, айтганларини бир зумда муҳайё қилиш бир кун келиб ўз аччиқ мевасини бермай қўймайди.

### Мулоҳаза

Аслида, она бўлмоқ буюк бахт. Оиланинг ҳам, жамиятнинг ҳам бахти аёлга боғлиқ. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни беқиёс. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бизнинг ўзбек аёлларига нафақат ўзимиз, балки бутун дунё ҳавас билан қарамоқда. Уларнинг давлатимиз равнақига қўшаётган улкан ҳиссалари ҳар қанча рағбату мақтовларга лойиқ. Раҳбарлик ишларида ҳам, маданият ва спортда ҳам, адабиёт ва матбуот соҳалари, аҳоли саломатлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларда ҳам улар қўлга киритаётган ютуқлар улкан ва ибратли. Бу ишларнинг бардавом бўлиши учун, аввало, фарзандларимизга ўзимиз ўрнак бўлишимиз зарур. Ўғлимизни ҳақиқий мард ва жасур қилиб тарбиялаш, қизимизни оқила, меҳрибон, жонкуяр этиб вояга етказиш биз ота-оналар зиммасидаги масъулиятли вазифа.

Гоҳида айрим эркаклардан: "Хотиним мени юзага чиқармади", "Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин", деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Назаримизда бундай гаплар ёшликдаги куч-қуввати, ақл-идрокини бесамар кетказган эркаклар томонидан айтилади. Эҳтимол, бу гап-сўзларда ҳам қисман жон бордир. Лекин белдан куч, танадан соғлиқ кетганда бундай ўринсиз гаплар аёл кишига оғир ботиши, шубҳасиз. Шуни ишонч билан айта оламанки, агар ёнида тоғдек эри қўллаб-қувватлаб турса, уни тушунса, асраб-авайласа — аёл дунёни тебратади! Фарзандлар тарбияси, камолоти учун аёли билан баб-баробар жавобгарликни ҳис қила оладиган эркак ёнида бўлгандагина аёлнинг аёллиги юзага чиқади. "Аёлга, аввало, она деб қаралса, ҳаммаси жойида бўлади", деб ёзади атоқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов.

Ушбу мулоҳазаларимни қоғозга туширар эканман, қизимнинг кечки овқат емагани эсимга тушиб, ундан хабар олгани болалар хонасига кирдим. Не кўз билан кўрайки, қизалоғим бешикчани қучоқлаганча ухлаб қолибди. Уни оҳиста кўтариб ўрнига ётқиздимда, бешигини ёнига қўйдим. У эса уйқусираб бешигига қўл чўзди-да, яна ширин уйқуга кетди.



**Муяссар ИСЛОМОВА**

Навоий гулшани

# “КИМКИ ДЕҲҚОНЛИК АЙЛАДИ ПЕША...”

**Алишер Навоий “деҳқон” атамасини ўз асарларида подшоҳларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тобелари — тўрт гуруҳнинг тўртинчиси, яъни зироат аҳли, зироатчиларга нисбатан қўллаш билан бирга, ушбу атамани Аллоҳ — яратувчи маъносида ҳам ишлатади. Бундай маъно “Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Кўнгил таърифида” бобидаги қуйидаги мисраларда шундай ифодаланган:**

**Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,**
**Одамий хокийни гулистони сунъ —**

дейди улуғ шоир.

Навоий шон-шараф ва қадри беҳад юксак, барча айблардан холи, моддий ризқларни яратувчи деҳқонни «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг ўттиз биринчи фасли — “Деҳқонлар зикрида» шундай таърифлайди: «Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, уйи солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни сурадиандоққи одам. Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат.

Деҳқонки, тузлик била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг бирла шод. Кабутарларга андин мастлиқ, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлиқ. Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуги ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмоқни тануриандин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, гурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои.

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур.

Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ қути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин.

Гуногун фавоқиҳ билаким боғда тазйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойин.

Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то донаси дурри саодат бар бергай ва тухум сочиб, анжуми улуви рифъат тергай. Мундоқ одамнинг фарзанди халифадур, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами Сафийдур.

Қитъа:

**Кимки деҳқонлик айлади пеша,**
**Дағи нон бермак ўлди анга шиор.**
**Бўйла кимса улувви рифъатдин,**
**Одам ўлмаса, одамий худ бор».**

Назаримизда, Навоийнинг бу таърифида деҳқон ҳақидаги барча ҳақиқатлар ўз ифодасини топган.

Биринчидан, еттита жонли-жондорнинг, ҳар хил ижтимоий тоифадаги ўн саккиз нафарнинг ризқини тадрижий усулда бирма-бир санаб кўрсатадики, бу бизга «ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадур» (Алихонтўра Соғуний. “Тарихи Муҳаммадий”. “Шарқ”, 2007. 37-бет) деган машойихлар ҳикматини эслатади.

Иккинчидан, таърифда деҳқон билан боғлиқ барча муомала-муносабат ҳамда мулк шаклларини кўрсатиб, деҳқон ўзининг заҳматли ишлари натижасида элга, шоҳга, барча тирик жонларга розилик келтиради, деган Навоийнинг ихлоси акс этган.

Навоий темурийлар замонига яраша бу ижтимоий табақанинг бутун асбоб-шароитларини тўлиқ баён қилар экан, Амир Темур ва темурийларнинг деҳқонга яхшилик қилишни қонун даражасига кўтарганини ёдга солади. “Темур тузуклари”нинг иккинчи қисмида қонун кучига эга бўлган 27 та тузук ўрин олган. Улардан бирида шундай дейилади: «...Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин» (Темур тузуклари. Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррири Муҳаммад Али. “Шарқ”, 2005. 80-бет). Ёки Шоҳруҳ мирзо ўғли Улуғбек мирзога Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг бошқарувини бағишлар экан, бу ҳақда тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўз китобида шундай ёзади: «...Оталик шафқати юзасидан подшоҳона илтифоти билан ўнга яқин насиҳат сўзлади. Насиҳатларидан бири эса олам ободлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан (ўзингга) яқин қилгин» (“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”. 2-жилд. Биринчи қисм. “Ўзбекистон”, 2008. 161 — 167-бетлар).

Алишер Навоийнинг деҳқонлар портретига чизгиларини иккига, яъни анъанавий изоҳлар ва янги бадиий топилмаларга тасниф қилиш мумкин. Анъанавий ўринлар азалдан мавжуд бўлиб, булар Навоийга қадар яратилган «Авесто» тарихий-адабий ёдгорлигида, Носир Хисрав ижодида, Кайковуснинг «Қобуснома»сида, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби асарларда берилган бадиий лавҳалардир. Демак, шу ўринда анъанавийликни бирма-бир изоҳласак. «Авесто»да: «Эй оламни яратган зот! — Эй ҳақиқат! Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким? Ахура Мазда жавоб берди: — Эй Сипийтаман Зардушт!

У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир (“Авесто”. Тарихий-бадиий ёдгорлик. “Шарқ”, 2001. 113 — 115-бетлар).

“Авесто”да тўртинчи шахснинг омочи билан заминга бахт ато этиб, ўз ўрнида заминдан неъматлар олиши дуо тарзида айтилса, Навоийда эса деҳқоннинг қўши билан қилган биргаликдаги саъй-ҳаракати элу юртга қут-барака, хонадонларга маъмурлик олиб келиши — барча тирикчиликнинг тузалишидир, деб баҳоланади.

Жаҳонгашта ижодкор Носир Хисрав етти йиллик сафари давомидаги кузатувларини «Сафарнома»да ёзиб қолдирган. Унда баъзи юртлардаги ўзига хос деҳқончилик ишларига ҳам тўхталган ўринлар талайгина. Муаллиф ўз ўрнида ҳар хил касб эгалари орасида деҳқон меҳнатини, айниқса, кўкка кўтариб шарафлайди:

**Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ.**
**Ҳамма жондорга этмиш ризқ тортиқ.**
**Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон.**
**Унинг бирла экинзор боғу бўстон.**
**Бу ишдан яхши оламда не бордур,**
**Бу иш Одам Атодин ёдгордир.**

(Носир Хисрав. “Сафарнома”. “Шарқ”, 2001. 4-бет.)

Деҳқон мадҳини Носир Хисрав шеърий шаклда ёзади ва деҳқонни фариштадан устун қўяди, жафокаш, паҳлавон дея алқайди. Навоий деҳқон мадҳини насрий усулда ифодалаган бўлса-да, зийрак ўқувчи ҳар иккала ижодкорнинг деҳқон ва иш қуроли, деҳқон ва ризқ, деҳқон ва ободлик масалаларига алоҳида урғу берганига эътибор қаратади. Деҳқончилик Одам Атодан ёдгор эканига Навоий талмеҳ санъати воситасида ишора қилади.Ушбу ишора жавоби Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Рисолаи тийр андохтан”нинг Одам Ато нақлида берилган.

Кайковус “Қобуснома” асарининг 43-бобини “Деҳқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида” деб номлар экан, насиҳат тарзида фикрларини шундай баён қилади: “Эй фарзанд, агар деҳқон бўлсанг, барча деҳқондан шинастароқ (билимдонроқ) бўлғил ва ҳар бир экинни эксанг вақтидан ўтказиб экмағил. Агар вақтидан ўн кун бурун экканинг икки кун вақтидан сўнг экканингдан яхшироқдур...” (Кайковус. Қобуснома. “Ўқитувчи”, 2006. 181-182-бетлар).

Кайковус ҳам, Навоий ҳам ўз асарларида деҳқонлар таърифига алоҳида фасл, боб ажратган. Бироқ Кайковус деҳқончиликнинг баъзи сир-асрорларини ўғлига насиҳат тарзида “буни ҳам ўрганиб қўйсанг яхши бўлади”, деган орзу-истак сифатида баён этган. Навоийнинг “Деҳқон зикрида”ги фикрларида эса ўттиз йилдан ортиқ давлат ишида ишлаган, сувсиз ерларга сув чиқарган, сув тўғонлари қурган, деҳқонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган хайрул башар амирнинг ҳаётий нозик кузатишлари акс этган.

“Қутадғу билиг” асаридаги қаҳрамонлар Ўгдулмиш билан Ўзғурмиш орасида бўлиб ўтган савол-жавобда деҳқонларни “Булар мутлақо керакли кишилардир”, деган ҳурмат, эҳтиром таъкидланади:

**Тағин бир тоифаси деҳқонлардир.**
**Булар мутлақо керакли кишилардир.**
**Булар билан сен аралаш ҳамда қовуш,**
**Томоқ жиҳатидан сен ташвишсиз яша.**
**Ҳамма қимирлаган(жон)га булардан манфаат бўлади...**
**Деҳқон кишилар қўли очиқ бўлади,**
**Кўнглини Худо берганидан ҳам зиёда кенг тутади.**
**Бутун ер юзидаги ҳамма қимирлаган жоннинг,**
**Юрадиганларнинг овқати-ю, учадиганларнинг дони улардан,**
**Ўзинг булар билан аралашгин, қўшилгин,**
**Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут”.**

(Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”. “Фан”, 1971. 659 — 661-бетлар).

Юсуф Хос Ҳожиб сингари Навоий ҳам ўз асарларида ўндан ортиқ: шамшир, қалам, муомала, зироат аҳлига ўз даври нуқтаи назаридан баҳо берган. Ҳукмдорнинг, элнинг ва бошқа “нафас олувчи”ларнинг бутун ҳаёти деҳқон меҳнати туфайли эканини кўрсатган.

Навоийгача бўлган деҳқонлар ҳақидаги дуо, таъриф, тавсифу эътирофлар ҳамда Навоийнинг деҳқонлар зикридаги насрий қасидасидан англашимиз мумкин бўлган хулоса шуки, ҳамма нарса деҳқон меҳнати шарофатидир, деган тарих шиори, ҳаёт шиори, ижодкорлар шиоридек талқин қилинади. Деҳқонларнинг инсоният фаровонлиги йўлида меҳнатидан, ризқу баракатидан “ҳамма қимирлаган(жонлар)лар манфаат кўриши” ўз бадиий ифодасини топган.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий халқ насрининг сажъ санъатига катта эътибор бериб, сочар-очар, бордур-намудордур, паҳлавон-равон, маъмурлиғ-масрурлиғ, ҳаракат-баракат, рўзи-кўзи, ҳосил-восил каби йигирматача саж гуруҳини “Деҳқонлар зикрида”нинг бошидан охиригача қўллаган.

“Мулку миллат ишларини равнақ эттириш билан банд” (Давлатшоҳ Самарқандий) шоирнинг хулосаси қитъа воситасида берилади: “Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига буюн сунуб оллида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоққи одам”. Бу таърифда деҳқон меҳнати — ерга ишлов бериш жараёни, кучи билан боғлиқ ҳаётий лавҳа жонланади. “Барака хирмонда эмас, бир дона буғдойда” деган халқ мақолидаги “бир дона” рамзий образини шоир “Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифу маҳолдур”, дея ҳаётга ва ақлга ёқадиган қилиб тасвирлайди. Улуғ амир “бир дона” рамзий образида ҳар йили деҳқончиликнинг умумий унумларидан қирқдан бирини Худо йўлида – закот топширмоқ фарзлигига ҳам ишора қилган. Деҳқоннинг “бир дона”си дунё тирикчилигига ёки охиратга фойда бериши айтилади. “Бир дона” образида улкан бир дунёни, оламни тушунган шоир ҳайрат билан деҳқонга “бир дона”нинг етти юзтага айланишини Оллоҳ таолонинг яратувчилик қудратидан, касби кордаги тўғрилик, ростликнинг баракатидан нишона, деб билишни уқтиради ва ўз ҳайратларига деҳқонни ошно қилади. Шоир юқоридаги фалсафий қарашларини “Ҳайрат ул-аброр”нинг “Карам васфида” бобида лирик шаклда ҳам ифодалаган:

**Мазрааи базлда сочмоқни туз,**
**Ким бирига Тенгри берур етти юз.**

Яъни эҳсон экинзорига дон сочишни одат қил. Шунда биттасининг ўрнига етти юзтасини беради.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг “Деҳқонлар зикрида” фаслини, қадимги қоидаларга кўра “танти” сифатлашини, “бобо” кунясини олган ер султони, ер тарбиячиси танти бободеҳқонлар ҳақидаги фахрия, мукаммал портрет, дея оламиз.



**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

# ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЮРАККА ҚАДАНГ...

**Кўҳна Шарқнинг мумтоз шоири Фузулий бир ғазалида кимки дардли бўлса, ўша комилдир дейди. Бу ҳикматда теран фалсафа мужассам. Зотан, дард чекмоқ — Ватан ободлиги, халқ саодати, турмуш фаровонлиги ва жамиятда юксак ахлоқий фазилатлар қарор топиши йўлида фидойилик кўрсатмоқ, жон койитмоқдир. Инсонни комилликка элтувчи, айни пайтда, комил инсон йўли, аслида, шу. Бунинг инъикосини биз мумтоз шоирларимиз умрлари мазмунида кўрамиз. Уларнинг қутлуғ анъаналари бугун ҳам бардавом.**

Қувонарлиси, шеъриятимизнинг навқирон авлоди вакиллари ижодида ана шундай — инсонни комилликка ундаш ва ҳаётни обод, фаровон кўриш истаги етакчилик қилади. Бу авлод вакилларидан бири истеъдодли шоира Гулжамол Асқарованинг аксар шеърлари дард ва даъват асосига қурилган.

Бугунги озод ва мустақил Ватанга осонлик билан муяссар бўлмаганимизни ёши улуғ ва ўрта бўғинга мансуб юртдошларимиз жуда яхши билишади. Собиқ шўро замонида сенинг ватанинг Ўзбекистон дейишга, миллатпарварлик ҳақида ўз фарзандларига гапиришга кўпчилик чўчирди. Тоталитар тузум мафкураси собиқ иттифоқни ундаги барча халқларнинг ватани, деган ғояни зўр бериб тарғиб қилар, радио, телевидение, матбуот орқали ҳамманинг онгига сингдиришга уринарди. Бу ҳавойи, пуч ғоялар барҳам топди. Бугунги болалар Ватанини, миллатини, унинг узоқ ва яқин тарихини яхши билади ва бундан ғурурланади. Ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларини ёш авлод қалбида тарбиялашда, бу қутлуғ тушунчалар моҳиятини таъсирчан тараннум этишда истиқлол даври шеъриятимизнинг хизмати катта. Чунончи, Гулжамол «Келинчак орзуси» шеърида ёш она тилидан шундай дейди:



Нигоҳ

**Менинг ғамим йиғлатувчимас,**
**Куч берар, қалб тиғлатувчимас,**
**Мен боламга ухлатувчимас,**
**Уйғотувчи алла айтаман.**

**Ҳар ерларни қилмагил ҳавас,**
**Байроғингни берма бир нафас.**
**Парчала, бу эрксизлик — қафас,**
**Уйғотувчи алла айтаман.**

Ёш она орзуларининг ушалишига, яъни фарзанди халқнинг корига ярайдиган, жўмард аждодларига муносиб, руҳи тетик шахс бўлиб улғайишига ишонади. Шеърда яқин ўтмиш ситамлари — адолатсизликлар, камситишлардан изтироб чеккан дардли қалб қатларидан сизиб чиққан алам ва армонга чорасизлик бегона, шоира лирик қаҳрамони ишончга тўйинган некбин орзу-умидлар соҳибаси.

Ватанни севиш комиллик белгиси, инсоний бурчдир. Чунки Ватанни севган одамнинг руҳи уйғоқ, имони мустаҳкам бўлади. Зотан, Ватан инсон учун мавжудлик таянчидир. Таянчи метин одамни ҳеч бир куч енга олмайди. Бундай куч соҳибининг ҳамиша қадди тик, боши баланд бўлади. Гулжамол Ватан моҳиятини шундай тушунади ва унга бир ички куйиниш билан амал қилади.

Гулжамолнинг «Ўзбекистон», «Ўзбекистон мадҳи», «Омон бўлсин», «Ўзбек эли», «Ўзбек боласи», «Бизнинг халқ» шеърлари мазмунида мана шундай халқпарвар бадиий талқиннинг даъваткор оҳангини кузатамиз. У “Даъват” шеърида ёзади:

**Биродар миллатнинг жон томирисиз,**
**Меҳрингизни сотманг гуллар тотига.**
**Ватан байроғини юракка қаданг,**
**Байроқни кўтаринг миллат олдида.**

**Тоғлардек юксалинг Ватан чорласа,**
**Боболар ўтдилар эрк деб ғамдийда.**
**Бағрингизга босинг Ватан сўзини,**
**Оёққа қалқингиз, Ватан олдида.**

Эзгулик йўлида чекилган ситам, дард киши қалбини тозартиради. Айниқса, муҳаббат дарди. Чунки бу туйғу ошиқ вужудини шаффоф ва сирли ҳисларга чулғайди. Севган қалб кўзига олам бениҳоя гўзал бўлиб кўринади. Маълумки, гўзаллик эзгуликдир. Шу маънода ҳақиқий туйғу билан йўғрилган шеърларнинг таъсир кучини дарёга қиёслайдилар. Гулжамолнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари шундай қиёсга муносиб, деб ўйлайман. Зотан, уларда аёл туйғуларининг тошқини, сурури кучли. «Муҳаббатнинг шарти» шеърида шоира шундай ёзади:

**Нада бу севгидан аразим бордир,**
**Нада ташлаб кетган ўша йигитдан.**
**Дунё ўзи шундоқ, қуриган гулни,**
**Барибир қайгадир ташлаб кетишган.**

**Эскирган туйғунинг қисмати ҳам шу.**
**Шарт эмас бу ҳолга ёқа йиртмоқлик.**
**Муҳаббатнинг шарти жим термилмоқдир.**
**Муҳаббатнинг шарти эмас етмоқлик.**

Асл ишқ соҳиби — шоира лирик қаҳрамони васлга интилмайди. У қалбида муҳаббат туйғуси ғунчалаганидан мамнун ва шод. Шундан унинг вужуди маънавий-руҳий покланади, демак, комиллик сари қадам ташлайди. Негаки, дард доимо инсоннинг инсонийлигига йўл очади. Дардсиз ва заҳматсиз асл мақсадга муяссар бўлиш имконсиз. Муҳаббат дарди мақсад сари йўл очади. Васл дардни сўндирса, ҳижрон аланглатади. Ушбу ҳақиқатни Гулжамолнинг лирик қаҳрамони теран идрок этади. Шундан «Муҳаббатнинг шарти эмас етмоқлик» деганда у ҳақ. Шоиранинг «Эртак», «Сен келган кун», «Қадри тугаган севги ҳақида», «Мен ва сен», «Эй кўнгил», «Куярмиш кўрган кўнгил», «Яхши бўлди — сендан айрилдим» каби шеърларида ҳам муҳаббат моҳияти фалсафий идрок этилган ва теран очиб берилган.

Инсон мавҳумликдан эмас, ҳаётийликдан, аниқ ҳолатдан таъсирланади. Таъсир киши қалбини туғёнга келтиради. Бу эса, ўз навбатида, ўй-хотиралар оғушига тортади: киши босиб ўтган йўлларини кўз олдига келтиради, умр дафтарлари варақланади. Бу — яхши аъмолларни эътироф этиш, аксини эса инкор қилиш демак. Мазкур ҳолат кишининг шахсга айлангани, яъни инсонийлашгани белгиси. Гулжамолнинг бир қатор шеърлари ана шундай хусусиятга эга, айниқса, армон туйғулари билан йўғрилганлари. Шоира ёзади:

**Мен сизга адашиб меҳр қўйибман**
**Шу меҳримни балиқлар еса бўларди.**
**Шамолларга берсам ўйнаб куларди,**
**Мен сизга адашиб меҳр қўйибман.**

Шеърдаги лирик қаҳрамон ўкинчларини теран ҳис қилган шеърхон ҳаётийлиги, самимий талқини боис уларни ўзиникидай қабул қилади ва бу билан мисралардаги мазмун кўлами кенгайиб боради. Шеърнинг таъсир кучи ҳам шундадир.

Ҳис билан фикр уйғунлашган шеър ўқувчининг ҳам қалбига, ҳам онгига таъсир кўрсатиб, уни мувозанат ҳолатидан чиқаради, тафаккурини чархлайди. Гулжамолнинг шеърларида, айниқса, рубоийларида буни кузатиш мумкин. Уларда ҳаёт воқелигидан чиқарилган теран хулосалар ифодаланган. Шунингдек, олам ва одам моҳияти ҳақидаги қарашлари акс этган. Қуйидаги рубоий фикримизга далил бўлади, деган умиддамиз.

**Не хушким, насимлар ичра биз бормиз,**
**Эй соқий, ишқ ичдик, бизда хумормиз.**
**Бир кун туфроқ бўлсак кўзга сургайлар,**
**Гулларнинг хокидан бунёд туморимиз.**

Хулоса қилиб айтсак, Гулжамол Асқарованинг шеърлари ўқувчи тафаккурини ўстиради, туйғуларини бойитади. Энг муҳими, юрт, миллат фаровонлиги йўлида уйғоқ виждон билан яшашга, фаоллик кўрсатишга руҳлантиради.



**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

Журналларни варақлаганда

## “ЖАҲОН АДАБИЁТИ”
### 2013 йил, феврал ойи сони

Шарқ ва Ғарб адабиётида кенг танилган ижодкорларнинг турли жанрлардаги машҳур асарлари “Жаҳон адабиёти”нинг бу галги сони мундарижасини ҳам бойитган. Чунончи, дунё халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган эронлик ёзувчи Али Муҳаммад Афғонийнинг “Оҳу хонимнинг эри” романи (форс тилидан Миродил Обидов таржимаси), XX аср турк шеъриятида шоирлар султони, дея улуғланган Нажиб Фозил Қисакуракнинг бир туркум шеърлари (турк тилидан Усмон Қўчқор таржималари), Гонкур мукофотига сазовор бўлган француз адиби Робер Мерлнинг “Изабелла” номли ҳикояси (рус тилидан Дилдора Алиева таржимаси) журналхонларда алоҳида қизиқиш уйғотиши тайин. Шунингдек, Байроннинг “Дон Жуан” шеърий романидан парчалар, Ф.Достоевскийнинг “Иблислар” романининг давоми ҳам ушбу сонда берилган. Инглиз ва рус мумтоз адибиёти намояндаларининг бу асарлари жаҳон адабиёти дурдоналари сифатида ўқувчилар томонидан алоҳида эътибор ва иштиёқ билан мутолаа этилади.



Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакиллари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган саналар муносабати билан журналнинг ушбу сонида мутафаккир шоирларимиз ижоди таҳлили ва тадқиқига бағишланган бир неча мақола эълон қилинган. Чунончи, анъанавий “Навоий сабоқлари” рукнида бобокалонимизнинг “Хилъати то айламиш...” деб бошланадиган ғазали ва бу асарнинг инглизча таржимаси берилган. Ғазалнинг инглизчага Л.Кметюк ва Қ.Маъмуров томонидан амалга оширилган таржимаси ютуқ ва камчиликлари адабиётшунослар Ш.Сирожиддинов ва Г.Одилова мақоласида таҳлил этилган.

Адабиётшунос олимлардан А.Эркиновнинг “Навоий ва бугунги авлод” сарлавҳали суҳбати, Н.Жумахўжа, С.Олим, У.Қосимов, Т.Қаҳҳор, Ҳ.Болтабоевнинг мумтоз адибларимиз ижодиёти тадқиқи ва талқинига бағишланган мақолаларида Навоий ва Бобур сиймоси, асарлари моҳияти ва бадиияти ҳақида фикр юритилган.

“Дунёнинг буюк романлари” рукнида бу гал профессор Н.Каримовнинг атоқли адибимиз Ойбек қаламига мансуб “Навоий” романи қаҳрамонлари, асар сюжети, шарҳи ва ёзувчи ҳақидаги маълумотлари билан танишасиз.

Журналнинг янги “Мулоқот”, деб номланган рукнида Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гинэк Пэйха билан суҳбат эълон қилинган.

Жаҳон маданияти ва санъатининг унутилмас сиймолари В.Гюго, Мендельсон, Ф.Шопен, Ч.Диккенс, Ж.Верн, Ф.Шаляпин, Б.Пастернак ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли маълумотларга бой мақолалар билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз.

## “ШАРҚ ЮЛДУЗИ”
### 2013 йил, 1-сон

“Қалбимизда Ватанга муҳаббат оловини ёқишга қодир бўлган бадиий асарларимиз кўп”, деб ёзади ёш ижодкор Иброҳим Азиз “Ватан озодлиги — менинг озодлигим” сарлавҳали мақоласида.

Журналнинг шеърият саҳифаларида Абдулла Шер, Мирпўлат Мирзо, Гулбаҳор Саид Ғани, Эшқобил Вали ва Дилдора Яҳёнинг янги туркумларини, Икромжон Аслийнинг ғазалларини ўқийсиз. “Булоқ кўз очди”, “Ёшлар дафтаридан” рукнлари остида ёш ва бошловчи қаламкашларнинг шеърий машқлари билан танишасиз. Қардош халқлар адабиёти намуналари қаторида таниқли озарбайжонлик шоир Рамиз Равшаннинг шеърлари Абдулкарим Баҳриддин таржимасида берилган. Қорақалпоғистон халқ шоири Набийра Торешова шеърларини Ойгул Суюндиқова таржима қилган. Ёш шоира Шаҳноза Назархоннинг “Руҳимда чалинган мусиқа” номли достони “янгиланаётган бадиий тафаккур маҳсули” сифатида тақдим этилган.



Журнал мундарижасидан бир қатор ўқишли насрий ва драматик асарлар ҳам жой олган. Ҳамрохон Мусурмонованинг “Сирлар салтанатига саёҳат” номли қиссасидан боблар, Зулфия Қуролбой қизининг “Касал қуш” ҳикояси, Хуршид Давроннинг “Алғул” пиесаси шундай асарлар сирасидандир.

“Жараён” рукнида берилган “Янги авлод овози” сарлавҳали суҳбатда бугунги ижодкор авлоднинг ғоявий-эстетик қарашлари, ҳозирги давр танқидчилиги, ижодкорнинг фуқаролик бурчи каби долзарб масалалар ҳақида адабиётшунослар Ҳамидулла Болтабоев, Шуҳрат Ризаев ва ёзувчи Назар Эшонқулнинг фикр-мулоҳазаларига ошно бўласиз.

Танқид ва адабиётшунослик мавзуларидаги чиқишлар ҳам эътиборга молик. Чунончи М.Қўчқорованинг “Ўзим ўз қалбимнинг бўлсам Колумби”, Ҳ.Аслановнинг “Гадоийнинг форсий ғазали”, Д.Қувватованинг “Ўзбек поэмачилигида модернистик изланишлар”, И.Ғаниев ва Н.Афоқованинг “Иқрор ва исён”, З.Мамажоновнинг “Ифода усулларида ўхшатиш санъати” сингари тадқиқот ва мақолалари мумтоз ва замонавий адабиёт масалаларини ёритишга бағишланган.

“Гулқайчи” рукнида Восит Аҳмаднинг “Янги бой” ҳажвиясини ўқийсиз.

Маҳфуза ИМОМОВА



## ЧЕЧАКЛАР УЙҒОНДИ

Чечаклар уйғонди бир ҳовуч сувдан,
Яшил либосини кийди теварак.
Турибди анчадан буён сотувда,
Зумрад тошчалардан ясалган зирак.

Аслида ўчмасман ялтир-юлтирга,
Аммо бир кўришда қолди-да ёқиб.
Қучоғим тўлдириб муаттар гулга,
Баҳорга бормоқчи бўлгандим тақиб.

Бугун хабар олдим. Ҳалиям ёпиқ,
Дўконни бугун ҳам очмаса керак.
Дераза ортида турар товланиб,
Мен учун ясалган зумрадкўз зирак!

## ОНАЖОНИМ

1.

Бўйу бастим ўсар, ёшим ҳам,
Кундан-кунга улғаяр харжим.
Бешовлонни қандай ўстирди онам,
Бир ўзимни эплай билмадим. Гарчи,
Ҳаёт — ҳаётлигин қилди барибир
Чўкиб борди онам вақт ўтган сайин.
Доимо яшади эгилиб бизга,
Бизлар ўсиб кетдик, онам пасайиб.

2.

Қора сочларингиз борар оқариб,
Қаддингиз эгилар, кўзингиз хира.
Бир лаҳза бошингиз ташвишдан ариб,
Яшаган кунингиз кўрмадим сира.
Менга имкон беринг, менга ишонинг,
Сизни изтиробга қўйдим — биламан.
Онажон, бахт томон етай деб қолдим,
Онажон, мен сизни бахтли қиламан!

* * *

Қувалайди кунлар бир-бирин,
Шошиб қолар баъзан соат ҳам.
Умр ўтар сездирмайин жим,
Гоҳо битар сабр-тоқат ҳам.
Ҳаёт недир?
Яшамоқ нечун...
Бунда не сир, не бир муддао?
Бизни авраб юрибди — Очун,
Бизни асраб турибди — Худо!

## ОЙМОМО УСТИДА

Оймомо устида бир юлдуз турар,
Юзидан нур қочган, сарғайган, сўнган.
Боқсам, кўзларимдан бир савол сўрар,
Айт гулим, заминда ким вафо кўрган?

Оймомо устида турган бу юлдуз,
Кўнглимни бир умр асира этган.
Ўзга нигоҳлардан қизғаниб ҳануз,
Мени ҳасратларда қолдириб кетган.

Оймомо устида турган юлдузим,
Бедор тунларимни ёритар ҳамон.
У менинг қароғим, у менинг кўзим,
У бахтим бошига тўкилган осмон.

Оймомо устида бир юлдуз турар,
Кўнглимни аллалар хотиржам.
Боқсам бошгинамга ёғилар,
Бахтлар бағридаги хотирам.
Оймомо устида бир юлдуз ...

* * *

Қайдан чорлаяпти... қайдан бу овоз,
Мени олисларда танийди кимдир.
Бири нотанишга ўхшайди бироз,
Бири хаёлпараст болалигимдир!
Яна чорлайверар бу йўллар армон,
Соғинчли манзилга элтади базўр.
Бири чақиради, “Кел топиб. Борман!”
Эсладим...
Ва лекин қайтолмам. Узр!..

## ВАҚТ

Мудраяпсан ҳануз қуёшни тўсиб,
Кутиб турганимни билиб... Атайин.
Мен-ку... имкон қадар боряпман ўсиб,
Сен тугаб боряпсан куттирган сайин.

* * *

Ёмғир ёғар..
Сим-сим ёғади...
Қолмас ерда бирор қуруқ жой.
Менга фақат ёмғир ёқади,
Ҳам булутда сузаётган ой!

## ХАЁ

Гўёки янгитдан яралди дунё,
Улар бир-бирини кўрган паллада.
Саратон. Далада тўқнашди кўзлар,
Юраклар жизғанак бўлди далада.

Бир кун йигит қизни турарди кутиб,
Қиз қалби ҳаприқди, узоқдан таниб.
Панага ўтдию, сумкасидаги
Ойнасига қараб қўйди ийманиб.

Кейин эса қайтиб кўришмадилар,
Йигит ўқиш учун кетди пойтахтга.
Унинг ҳам хаёли шу қиз билан банд,
Катта шаҳарларда юргандир якка.

Қиз ҳам кўришмоқдан умидвор бўлиб,
Ҳар тонг кокилини тараб қўяди.
Атрофга кўз ташлаб, сумкасидаги
Ойнага ийманиб қараб қўяди.

Бу бўлган воқеа, кузатганим рост,
Кичик хулосамни айтайми сизга:
Хаё ҳали мавжуд, токи қизжонлар
Беркиниб қараркан ойначасига!

## ПАРДА

Боқсам, деразамдан бўйнимни чўзиб,
Бу фусункорликнинг йўқдек поёни.
Дарпардаларни шарт ташладим узиб,
Борича кўрай, деб гўзал дунёни.

Барчаси чиппакка чиқа бошлади,
Пардасиз дераза ва бўм-бўш борлиқ.
Ҳамма ёққа бир-бир нигоҳ ташладим,
Қани аввалгидай мастлиқ, хумморлиқ.

Меҳриноз АББОСОВА



Қани, аввалгидай парда ортидан,
Ой чиқдими, дея қизиқсинишлар.
Хонамга тушган нур ҳароратидан,
Зиёҳўр қаламим уриши нишлар.

Назар солиб парда четидан гуё,
Ишонардим бундай фусунга қатъий.
Ўшанда мўъжиза кўринган дунё
Энди кўринарди жудаям оддий.

Қайта парда тутиб, ташларканман кўз,
Бу борлиқ кўринди сеҳрли, кўркам.
Англадим.
Ҳар қандай гўзаллик ҳам дўст,
Парда, тўсиқ билан чиройли экан!

## СЎРОҚ БЕЛГИСИ

Илмоққа ўхшайди сўроқ белгиси,
Сиртмоққа ўхшайди сўроқ белгиси,
Қийналиб кетдим-ку турган-битгани
Қийноққа ўхшайди сўроқ белгиси.

Баъзида кўзимни тилади сўроқ,
Баъзан томоғимдан илади сўроқ,
Бугун бу серсавол ҳаёт ҳам тинмай
Менинг юрагимни қилади сўроқ.

Дунё, қара, тегрангда жон ҳалакман,
Менам бунда кимларгадир керакман
Менинг исмим сўроқ эмас, ундовдир
Менинг ўзим сўроқ эмас, даракман!

Сиртмоқлар солмасин сўроқ белгиси,
Бўғзимдан олмасин сўроқ белгиси,
Номим аниқ бўлсин, изларим қолсин
Ортимда қолмасин сўроқ белгиси!



Зилола ЯХШИЕВА



## БАХШИ БОБО

Вафолилар вафосиз деб ёнганларга,
Бир таскинми бир тасалли айлаб даво.
Севиб-севиб севгисидан тонганларга,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Бугун менга зор бўлибди нечалари,
Хаёлимсиз ўтмас эмиш кечалари.
Бари экан энасининг эркалари,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Сабр билан садоқатин куйлар келсин,
Ғурур билан виждонини сийлар келсин.
Юраги ўт, мен излаган бийлар келсин,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Кўрдим — бири ичиб тўймас ёлғон қасам,
Кўзларимни “ўйиб” олар ёмонласам.
Замин титраб кетармиди “мардим” десам,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Курашганда мингни йиқар “ё пирим” деб,
Ўзбегимнинг ўзбеклиги мудом чин деб,
Алпомишдай полвон уллар кўпайсин деб,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Бахши бобо, дўмбирангиз қўлимдадир,
Вафо менинг гулзоримда, гулимдадир.
Бахт бергали ҳали минг алп йўлимдадир,
Алпомишни куйлаб беринг, бахши бобо.

Гулчеҳра УМИРОВА



## БОЛАМ

Болам, тик боқ, тик боқ дунё кўзларига,
Бешиктоғдай баланд бўлсин тилакларинг.
Бугун жажжи қўлларингдан суяб боргум,
Эрта суяб борар мени билакларинг.

Тиллаш, болам, ҳатто кўкда қушлар билан,
Айвонингга инлар солса ярашади.
Меҳр балқиб турса агар кўзларингда,
Айвонингда қанча қуш жой талашади.

Бармоқ боссанг — булоқчалар кўзин очса,
Шўх майсалар сочларини тарашади.
Эркин элнинг эркагина болалари,
Отасини тойчоқ қилса, ярашади.

Қайга борса байроғини қадаб келар,
Майдонларда асло ерга тегмас курак.
Ўзга элни билмадиму, ўзбегимнинг
Ўғлонлари лочин кўзу, арслон юрак.

Болам, тик боқ, тик боқ дунё кўзларига,
Бешиктоғдай баланд бўлсин тилакларинг,
Бугун жажжи қўлларингдан суяб боргум,
Эрта суяб борар мени билакларинг.

---



Ҳалима АҲМЕДОВА

# БОБОМНИНГ БОҒИ

Бадиа

**Бу қадим дунёда боғлар кўп, чорбоғлар кўп. Аммо буларнинг бирортаси бобомнинг боғига етмайди. Қандайдир муаммо олдида ожиз қолсам ёки ҳаётнинг қадамлари елкамга оғир ботган дамларда бобомнинг боғидан куч оламан, яшаш қудратини топаман.**

## НИҲОЛЛАР

Бобом уруш кўрган эди. Шунинг учун бўлса керак, дастурхон устида ҳаммамизга ризқ-барака тилаб,тинчлик, хотиржамлик бўлсин, деган гапни кўп такрорларди.

Унинг Туркманистондан бир қуролдош дўсти келганини ҳам эслайман. Иссиқ кунда ҳам бошига ғалати телпак кийганини кўриб ажабланганман. Уларга чой дамлаб берганман. Шунда бобом «бу туркман дўстим Гўрўғли бўлади» деганида ҳайратим янада ошган. Ва бобомнинг дўстига узоқ тикилганман. Мен эшитган достондаги Гўрўғли бошқача эди, бу эса унга сира ўхшамайди, деб ўйлаганман. Соқоли юзига тушган, бир юзида чандиғи бор бу одам негадир қўрқинчли кўринган кўзимга.

Аммо қизиқишим зўр келган:

— Бобо, булар достондаги Гўрўғлими?

Бобом елкалари силкиниб-силкиниб кулганлар ва дўстларига менинг саволимни тушунтирганлар:

— Гўрўғли бобонг билан урушда бирга бўлганмиз.

Улар узоқ суҳбатлашишган. Мен қанча ҳаракат қилмай, Гўрўғли бобонинг битта ҳам гапига тушунмасдим.

Бобом эса бемалол гаплашиб ўтирарди. Шунда бобомнинг тил билишига қойил қолганман. Суҳбат орасида Гўрўғли бобонинг:

— Сани налларинг багимда гўгармади, — деган гапини эшитганман. Бобом эса ҳеч ажабланмагандай:

— Гўрўғли жўра, ўтган йили ниҳол олиб кетаётганингда айтганман. Ҳар бир унган ниҳол ўз тупроғини яхши кўради, деб. Сен гапингда туриб олдинг. Мана, айтганим бўлди, — дедилар.

Бобомнинг “Ҳар бир ниҳол ўз тупроғини яхши кўради», деган гапларини илиб олиб, узоқ ўйлаганман. Аммо ҳеч нарсани тушунмаганман.

Бугун униб-ўсган қишлоғимни, хаёлимда тез-тез жонланадиган бобомнинг боғини кўп соғинаман. Шунда деворлар оша кўнглимга мўралаган мевали дарахтлар чиройли пичирлайди:

— Биз бобонгни танийммиз!

Хурсанд бўлиб кетаман. Ва илоҳий, бақувват илдизлар томиримга пайванд бўлаётганини ҳис қиламан. Уфққа туташган йўлларни тўлдириб ёш йигит-қизлар ўтади. Уларга боқиб, бобомнинг гапларини такрорлайман:

— Ниҳоллар ўзи унган тупроқни яхши кўради.

## СЎРИ

Бобом боғнинг ўртасида сўри қурдириб олган эди. Сўри юзига катта бўйра ва бўйранинг устига эса қадимий эски Хива гилами тўшалган бўларди. У гиламнинг нақшларини ҳалиҳануз эслайман. Тўрт бурчак-тўрт бурчак катакчаларда гулга ўхшаб кетадиган ёзувлар акс этган эди.

Сўри тепасида кўтарилган толорда ҳусайни, шибирғони, султоний каби узумлар офтобга ўзини кўз-кўз қиларди. Бобом бу узум бошларига биз тиккан халтачаларни кийгизиб қўярди. Ва яна қанчадир узум бошларини бўш қолдириб, фарзандини аяётган отадай меҳр билан ўз-ўзига айтарди:

— Қолгани қушларнинг ризқи...

Мен бу сўрини яхши кўрардим. Ёзнинг шаббодаси дарахтларни меҳр билан оҳиста силкитар, ерга ғарқ пишган мевалар дуп-дуп тушганда жуда ширин ва хушбўй ҳид боғни тўлдирарди. Айниқса, сўрининг ёнгинасидан оқадиган ариқчанинг қўшиғи ёқимли эди. Қўшни боғдан тўкилган қизил, кўк, оқиш олмаларни сув ўйнаб-ўйнаб бизнинг боғга олиб келар, сўнг эса биздан кейинги қўшнининг боғига олиб кетарди. Ана шундай саховатли эди бу арикча.

Ёз тунлари шу сўрида ухларди бобом. Сўри жуда сирли кўринарди кўзимга. Чунки бобом қанчадан-қанча достону афсоналарини шу ерда сўзлаб берар эди. У ҳар бир воқеани худди ўзи кўргандай гапириб берарди. Ва достоннинг энг қизиқарли жойида тўхтатиб, қолганини эртага айтиб бераман дерди... Қани энди, кўзимга уйқу келса... Давомини ўйлайвераман... ўйлайвераман...

Бир марта Алпомишнинг хийла ва номардлик йўли билан чоҳга (зиндонга) ташланган жойини айтган бобом кўзларида милтиллаган ёшни дарахтларнинг илдизига ўхшаб қолган қўллари билан сидирар экан:

— Қолгани эртага, — деди амрона.

Мен эса бобомга узоқ тикилдим:

— Бобожон, айта қолинг, беданаларингизга жуда кўп шиллиқ қурт йиғиб бераман.

Бобом ўзини эшитмасликка олди. Сўри толорларида қатор осилган беданаларининг сополдан ясалган бежирим идишчаларига сув қуя бошлади. Бобомнинг орқасидан юравериб, кунни кеч қилдим ҳамки, у айтганидан қайтмайди. Хафа бўлиб уйга кирдим. Хаёлимдан чоҳда ётган Алпомиш кетмасди. Унга қанчалар қийинлигини тушунаман.

Чунки ҳовлимиздаги ўрага тушиб кетганимда нафасим қисилгани ёдимга тушади. Бобомнинг айтишича, Алпомиш тушган зиндон бизнинг ўрамиздан юз баробар чуқур экан, ухлаб ухлаёлмайман. Қаердандир қулоғимга Алпомишнинг чуқур хўрсингани эшитилади. Ва яна Сурхайл кампирнинг қўрқинчли кулгиси тушларимни бузади.

Эрта тонгдан бобомнинг беданалари тирикликка ҳамду сано айтиб мени уйғотади. Уйғонганимга хурсанд бўлиб кетаман. Бугун бобом билан бирга Алпомишни зиндондан қутқарамиз.

Юзимни апил-тапил ювамандa, бобомнинг ҳузурига чопаман ва унинг нонуштасига шерик бўламан. Бобом нонушта қилиб бўлгач, боғни бир айланиб чиқиш одати бор. Албатта, мен ҳам унинг изидан қолмайман. У барча дарахтларни кўздан кечиргач, яна сўрига қайтади. Ёз қанчалар иссиқ бўлмасин, бобомнинг сўрисига кучи етмайди. Чунки бу ерда доимо ҳур-ҳур шамол эсиб туради. Ва ниҳоят, озод шамолларнинг завқи билан Алпомишни чоҳдан қутқарамиз.

Достонни якунлаган бобом, назаримда, янада меҳрибон ва дилкашроқ бўлади. Ёз тунларида юлдузлар ерга жуда яқин туюлади. Беда гулларининг ёқимли ҳиди димоғимни қитиқлайди. Баъзан сўрида ўтириб бошида юлдузлар чарақлаётган бобомнинг боғини томоша қиламан. Шунда Гўрўғлининг қадам товушини, Бойчиборнинг туёғидан сачраган қўшиқни, арикчадаги сувларнинг майин чулдирашига ўхшаб кетадиган Юнус парининг нафис кулгусини эшитгандек бўламан...

Бир куни дадам менга дунё шаҳарларининг рангли сурати акс этган китоб олиб келди. Мен бу китобларни варақлаб, бир-биридан чиройли шаҳарларнинг суратига ҳавасим келиб боқардим. Сўрида кўк чой ичиб ўтирган бобомнинг ёнига жойлашиб мақтандим:

— Бобо, мана бу шаҳарларни кўринг, жуда ҳам чиройли-а!?

Бобом китобни варақлаб кўрди. Аммо пинагини ҳам бузмади. Аксинча, ўз боғининг жамолига тўймаётган одамдай ҳар бир дарахт, ажриқ, арикча, бедазор ва толларга бир бошдан ташналик билан қараб чиқди.

Мен эса бетоқатлик билан яна сўрадим:

— Дунёдаги энг чиройли жой қаер, бобо?

Бобом маъноли жилмайди:

— Дунёдаги энг чиройли, кўркам жой — мана шу сўри!

Ҳазиллашяптими, деб бобомнинг кўзларига тикилдим. Бобом ҳазиллашмаётган эди. Аксинча, унинг кўзида бутун боғимиз борлигича акс этиб, бобомдай жилмайиб турарди.

## КЎКСУЛТОН

Болалиқ содда ва беозор капалакнинг қанот қоқишига ўхшайди. Рангин гуллар оралаб завқланиб учади-да, кўз очиб-юмгунча йўқотасан. Аммо ундан бетакрор хотиралар, эслаганда энтиктириб юборадиган лаҳзалар ёдгор бўлиб қолади.

Болалигимда бобом бунёд этган боғдан бери келмасдим. Фақат қиш фаслидагина бу боғ устига қорнинг оппоқ кўрпасини ёпганча ухларди. Балки туш ҳам кўрарди, менинг эса боғнинг тушларига киргим келарди.

Бобом қишнинг изғиринли кунларида ҳам қўлларини орқасига чалиштирганча боғни айланишни канда қилмасди. Одати бўйича дарахту ниҳоллар, токлар билан узоқдан-узоқ гаплашарди.

Ва ниҳоят мен орзиқиб кутган баҳор елиб-югуриб келарди-да, аввал бобомнинг боғига салом берарди. Бобом баҳор келиши билан ёш болага айланарди-қоларди. Тонгдан кечгача боғида гулга кираётган дарахтларни эркалатар, силаб-сийпарди.

Бобомнинг боғидаги осмонга қараб тикка ўсган кўксултон дарахтини яхши кўрардим. Меваси жуда ширин бўларди. Баҳорнинг охирига бориб, кўк-қизғиш рангда офтобга тобланиб пишарди. Мевасига қарабоқ, оғзимда ширин сувли таъмни туйиб, тамшаниб қўярдим. Дарахт жуда баланд бўлгани боис, оёғимдаги шиппакни ечиб қўярдим-да, баланд шохлардаги мевалар томон тирмашиб чиқа бошлардим. Дарахтнинг ғадир-будир танаси қўл-оёқларимни шилиб юборарди. Оғзимда қолган ширин таъмнинг иштаги билан буни сезмасдим ҳам. Бошимдаги мунчоқли каллапўшимни ғарқ пишган кўксултонга тўлдириб тушардим. Ва боғимиз ўртасидан оқадиган арикчада чайиб, битта-битта қарсиллатиб ея бошлардим. Бобом ўзи яратган боғнинг мевасидан тотаётган неварасини кўриб ич-ичидан суюнарди. Аммо доим берадиган танбеҳини такрорларди:

— Қиз бола шохдан-шохга сакрамайди, нарвонни қўйиб, терсанг ҳам бўларди-ку?!

Ҳақиқатан ҳам, деворга суяб қўйилган нарвон бўлгувчи эди. Аммо ўзим дарахтга чиқиб узсам, назаримда кўксултон янада ширинроқ туюларди.

Бир куни пешинда боғимиз томондан «дў-ўп» этган овоз эшитилди. Югуриб боққа чиқдим. Не кўз билан кўрайки, доим кир-чир юрадиган, белига ҳар хил чилвирларни боғлашни одат қилган Карим девона девордан ошиб тушиб, кўксултон дарахтига кесак отарди. Жон-поним чиқиб кетди. Биз унинг аланг-жаланг кўзларидан қўрқардик. Унинг эса ҳеч ким билан иши йўқ, жуда беозор эди. Дарров қўлимга укам от қилиб миниб юрадиган калтакни олдим, ва уни қўрқита бошладим:

— Қани, тез йўқол-чи бу ердан, бўлмаса, ураман.

Карим девона кўп калтак еганми ёки бошқа бир сабаб биланми, хуллас, қўлида калтак тутган одамдан қўрқарди.

У менга мўлтираб-ёлвориб қаради ва ўзининг ажабтовур овози билан йиғламсиради:

— Мени урма, камгина кўксултон бер...

Боғда шунча мевали дарахтлар туриб менинг кўксултонимга кўз олайтиргани баттар жаҳлимни чиқарди.

Овозимни янада баландлатиб бақира бошладим. Карим девонанинг тезроқ кетишини хоҳлардим. Шу пайт менинг шовқин-суронимни эшитган бобом боғда пайдо бўлди. У бўлган воқеани эшитгач, кўксултон дарахти тагида ўтириб олган Карим девонанинг ёнини олди:

— Карамбойни бир кўксултон егиси кепти-да' қизим, бор нарвонни олиб кел.

Бобом бир зумда белидаги белбоғини тўлдириб кўксултон узиб тушиб уни Карим девонанинг қўлига тутқазди. Карим девона белбоғни кўксига маҳкам босганча бобомга маъносиз илжайди. Ва югуриб бориб девордан сакраб ғойиб бўлди.

Мен бобомдан хафа бўламан:

— Қизиқсиз-а бобо, ўша жиннига шунча кўп кўксултон беришингиз шартмиди?

Бобом дарахтнинг тилини тушунгувчи қўллари билан бошимни силаб яна танбеҳ беради.

— Вой менинг ўжаргина қизим-ей, сенинг қонингда бағритошлик йўқ эди-ку? Айтиб қўяй, Каримбой ҳам бизга бегона эмас...

Сесканиб кетаман:

— Нима, у бизнинг қариндошимизми?

Бобом энди дарахт остидаги юмшоққина ажриқзорда чордона қуриб олади:

— Наҳотки тушунмайсан, Каримбой ўзимизнинг қишлоқнинг девонаси...

Қанча ёмғирлар-у қорлар ёғиб ўтди. Қанчадан, қанча фасллар айланди. Бобомнинг ўша гапини юрагимнинг қаеригадир беркитиб қўйган эканман. Йилларнинг ўткир нигоҳи уни ҳар дамда ўзимга ўқиб беради. Бугун кенг, обод кўчаларда сайр этган чоғимда яшаш завқи билан юрган одамларни кўраман. Руҳланаман. Уларнинг барчасидан ҳол-аҳвол сўрагим келади. Баъзан берган саломимга алик олиб:

— Кўзимга иссиқ кўриняпсиз, сизни қаердадир кўрганман, — деган саволларга кулиб жавоб бераман:

— Сизга бегона эмасман. Мен ҳам шу Ватаннинг фарзандиман.

Ватан учун яшайлик!

**Миллий ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган турларидан бири — каштачилик кўп асрлар илгари пайдо бўлган. Ҳунарманд каштачилар ўлкамиз табиати, урф-одатларидан келиб чиқиб яратган нақшини табиий ипак билан тикканлар. Моҳир каштачилар ҳунарини давом эттираётган бухоролик Зебо Рустамова асли тарих фани ўқитувчиси. Аммо ёшлигидан онаси ва момоларидан каштадўзлик сирларини ўрганиб, келинлик уйини ҳам ўзининг бежирим кашта буюмлари билан безаб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. Кейинчалик анъаналаримизни тиклаб, ёшларга ўргатиш мақсадида шогирдлар тайёрлашга аҳд қилди. З.Рустамова билан суҳбатимиз каштачилик ва унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида.**

Ҳунар — зар

# ЎНГ ҚЎЛИМДА ИГНАЮ, ТИЗЗАМДА — КАШТА...

**— Зебо опа, нима сабабдан Бухорои шарифда оммалашиб, равнақ топган зардўзликни эмас, каштачиликни ўрганишни маъқул топдингиз?**

— Тўғри, шаҳримиз зардўзлари санъати дунёда машҳур. Аммо менда каштачиликка ҳавас кучлироқ бўлган. Болалигимда момом тикаётган гуллар ҳавасимни уйғотиб, игналарини сўраб, тинч қўймасдим. Зардўзликда икки-уч хил ранг ишлатилса, каштачиликда ҳар хил ранглардан турфа тасвирлар ҳосил қилиш мумкин. Тайёр бўлгач, уларни


Зебо Рустамова шогирдлари билан.

томоша қилиб кўзингиз қувнайди.

Ҳаётни, туйғуларимни ифодалаб беришга баъзида ранг тополмаслигим мумкин, аммо каштамдаги нақшларда уни акс эттира оламан. Ёшлигимда радиода "Ўнг қўлимда игнаю, тиззамда — кашта" қўшиғи янграши билан унга жўр бўлардим.

Тарих фанини танлаганимдан мақсад ҳам ёш қалбларга юртимизнинг мозийдаги маданияти, анъана ва урф-одатларини сингдириш, эзгуликка даъват қилишдир.

**— Каштачиликда ўзимни кашф этдим, деганингизда, нимани назарда тутгансиз?**

— Асли касбим ўқтувчилик бўлгани учун бир ҳунар орқасидан шунча обрў-эътибор, бахт топаман, деб ўйламагандим. Бошида қизиқиш билан бошланган иш бугун келиб мақсадимга, тақдиримга айланди. Дунёни танидим, дунё ҳам мендек оддий аёл билан танишди. 2009 йили "Қўли гулдир ўзбек аёлин..." республика савдо ярмаркасида қатнашиб, чет элликлар олқишига сазовор бўлдим. Бирор буюмни беэътибор қолдирмай, совға учун, сеп учун сотиб олишганида, хайриятки, каштачиликка ҳурмат ва қизиқиш ҳануз сўнмабди, деб хурсанд бўлгандим. 2011 йили Ҳиндистонга бир ҳафталик сафарга бориб келдим. 250 мамлакатдан йиғилган ҳунармандлар иши билан танишиш, бўз тайёрлаш, ип йигириш ва бошқа жараёнларни ўрганиш мақсадида ташкил этилган ушбу анжумандан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан қайтдим. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос ҳунарлари, анъаналари бор, аммо, кўпчилик каштаat ларимга қизиқиш билан қаради. Сувга тушса ҳам тусини ўзгартирмайдиган, юмшоқ ва чиройли ёстиқ жилдлари, сочиқлар ва бошқа буюмларимга чет элда ҳам жуда кўп харидор топилди. Шу йили "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирландим.

**— Айни кунларда хусусий корхона ташкил этиб, кўплаб ёшларга ҳунарингизни ўргатаётган экансиз. Шу ҳақда батафсил гапириб берсангиз.**

— Ҳунаринг ортидан раҳмат эшитсанг, куч-ғайратга тўларкансан. Бу – ҳақиқий бахт. Шундай бахтни ҳис қилиш ўзгаларга ҳам насиб этишини истаб, "Асадбек зиё нур" хусусий корхонасини очдик. Бўлажак келинлар, ишсиз аёллар бўш вақтларини бу ерда мазмунли ўтказишади. Уларнинг ўз ишларидан мамнун эканларини кўриб қувонаман. Ҳозир кўплаб шогирдларим фестивалларда қатнашяпти, совриндор бўляпти. Аста-секин корхона таркибида маиший хизмат кўрсатиш биноларини ҳам қуриш режамиз бор. Аёллар сартарошхонаси, тикувчилик, қандолатчилик курслари ва бошқа ҳунарларни ўргатувчи мутахассисларни ишга таклиф этиб, корхонани кенгайтирмоқчимиз.

Бу йил Навоий вилоятида ўтказилиши кўзда тутилаётган "Асрлар садоси" миллий фестивалида қатнашиб, ҳунарманд юртдошларим билан яқиндан танишмоқчиман. Бундан ташқари, ўзим дарс берадиган мактаб ўқувчи-қизларига каштадан зеб берилган янгича мактаб формаси яратиш устида иш олиб боряпман. Хуллас, ҳали режаларим жуда кўп.

**— Каштачиликни ўрганмоқчи бўлган ёшларга қандай маслаҳат берасиз?**

— Каштачилик – сабр-тоқат талаб этадиган ҳунар. Уни ўрганиш, маромига етказиб тикиш учун қунт билан кузатиш ва сабр-тоқат билан изланиш даркор. Ҳеч ким бу ҳунарни бир-икки кунда ўрганиб, мақсадига эришган эмас. Шогирдларимдан ҳам диққатларини жамлаб, иш жараёнини яхшилаб кузатишларини талаб қиламан. Улар қанчалик кўп савол бериб, ҳунар сирларини билишга қизиқишса, шунчалик қувонаман. Илк бор нинани тўғри ушлаб, чизмалар бўйлаб юргиза бошлаган ҳар бир қиз-жувонга, аввало, қўрқмасликни таъкидлайман. Каштачиликни ўрганмоқчи бўлган ҳар бир одамда тўрт фазилат бўлиши шарт: мақсад, қизиқиш, сабр ва қунт. Булар нафақат ҳунар ўрганишда, балки, ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳам уларга қўл келадиган, асқотадиган фазилатлардир.

Ҳам келин, ҳам рафиқа, ҳам она, ҳам тадбиркор, ҳам ўқитувчига хос фазилатларни ўзида мужассам этган Зебо Рустамова ўзбек аёлининг нималарга қодирлигини амалдаги ишлари билан намоён қилиб келаётган ҳамюртларимиздан биридир.

**Меҳригиёҳ БОЗОРОВА**

# ЯРАТИШ ЗАВҚИ

**Сўнгги йилларда юртимиз кўргазма заллари ва галереяларида истеъдодли ёш рассомларнинг турли мавзудаги кўргазмалари кетма-кет намойиш этилмоқда. Улардан аксарияти нафақат республикамизда, балки чет элларда ҳам аллақачон танилиб улгурган.**

Илҳом билан ижод қилаётган бундай ёшлар орасида Умида Ирматованинг алоҳида ўрни бор. Коллежда либослар дизайни, институтда санъатшунослик йўналишида таҳсил олган ёш ижодкор "Миср ёш рассомлар нигоҳида", "Akadeia Magic Art", "Аёлга бағишланган мадҳия" каби бир қанча кўргазмаларда либослар тўплами ҳамда турли мавзудаги асарлари билан муваффақиятли қатнашди. Театр декорацияси йўналишида магистратурани битирган Умиданинг олдида янада кенг имкониятлар очилди.

У.Ирматова асосан анъанавий мойбўёқ техникасида ишлайди. Ижод жараёнида мой, фактура, холст чизмалари каби турли ифода воситаларидан фойдаланади. Рангларни нозик ҳис этиши, ҳар бир чизги ва детални чуқур ўйлаб матога тушириши асарларининг ўзига хослигини таъминлаш билан бирга сурат орқали маълум кайфиятни ёркин ифодалашга ёрдам беради.

Ёш рассом ижодининг асосий хусусиятларидан бири импровизацияга мойиллигидир. Мато юзасида бевосита жонланаётган у ёки бу образ орқали очилаётган ғоя бошқа янги-янги образларнинг туғилишига сабаб бўлади. Баъзан бу образлар бир картина доирасига сиғмай қолади ва навбатдаги асарларга замин яралади. Умиданинг суратларида турли персонажлар — болалар, севишганлар, афсонавий жонзотлар, ҳайвонлар, қушларни кўрамиз. Картиналарида севги-муҳаббат, ўлим ва ҳаёт, кун ва тун алмашиши, йил фасллари каби абадий тушунчалар акс этади. Буларнинг бари эртакларни эслатади. Ҳатто либослар дизайни ва саҳна безакларида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Баъзи асарлари нозик юморга йўғрилгани, кутилмаган ечимлари билан мухлисларга завқ бағишлайди.

Биргина "Оналик" картинасининг ўзи одамда турли ҳис-туйғулар уйғотади. Асарнинг композицион қурилиши ноодатийлиги билан дарҳол диққатни тортади. Ранглар уйғунлиги сурат колоритининг қизиқарли бўлишини таъминлаган. Турли маъно кўринишларига эга ёқимли ранглар она ва ўғил образига поэтик руҳ бағишлайди. Мазкур асар рассомнинг ўзлигини яққол намоён этган.

Умида Ирматова. «Баҳор манзараси»



"Манзара" суратида оппоқ қорга бурканган тоғлар қиш ҳукмронлигига урғу берса-да, атрофда баҳорий кайфият. Жуда гўзал тасвирланган беғубор мовий осмон, манзарага янада чирой берган оқиш булутларнинг осмон узра енгил сузиб юриши картинанинг поэтик руҳини кучайтиради. Яшил рангнинг турли товланишлари моҳирлик билан ишлатилган. Ушбу асарни томоша қилган одамда беихтиёр она юртимиздан ғурурланиш ҳисси уйғонади.

Умиданинг "Зардўштлик" туркумидаги суратлари услубига кўра гўё болалар суратларига тақлиддек кўринади. Бу туркум рассомнинг ўз халқининг тарихи ва маданиятига чуқур эҳтироми ҳамда қадриятларимизни авлодларга етказиш ишига қўшаётган ҳиссасидан далолатдир.

Ҳозирги кунда Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирувчи рассом сифатида ишлаётган Умида Ирматова кино соҳасида ҳам бир қанча ижодий ишларни амалга оширишга улгурди. Театрдаги дастлабки ишини "Нексия" спектаклига саҳна безаги ишлашдан бошлаган рассом шу кунгача "Увайсий", "Катта ютуқ", "Ҳалала", "Имкон", "Огоҳ бўлинг, одамлар" каби қатор спектаклларда саҳналаштирувчи рассом си-

Рассом ва замон

фатида қатнашди. Кинодаги ижодини эса "Меҳмонжонлардан айланай" сериалидан бошлаган мусаввира "Нола", "Шумқадам" каби филмларда ҳам рассом сифатида ижод қилди. Айни пайтда "Ўркачли дунё" филмидаги ишларини ниҳоясига етказяпти.

Умида Ирматова рангтасвир ва дизайнерлик ишларини ҳам тўхтатиб қўйгани йўқ. Етмишдан ортиқ картиналари сафига сўнгги вақтларда ишлаган "Шарқ аёли", "Орзу", "Она тимсоли" каби суратлари қўшилди. Шу кунларда навбатдаги кўргазмасига жиддий ҳозирлик кўряпти. Кузда ўтадиган "Style.UZ" модалар танловида қатнашиш ниятида Лобар Маматқулова билан ҳамкорликда Хоразм мавзуида янги либослар тўплами устида иш олиб боряпти.

Ёшлик шижоати ва куч-ғайрати билан тинимсиз изланаётган Умида Ирматова ўйлаган ниятларига етишига ишонамиз. Чунки у истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, яратиш завқи билан ижод қиляпти.

**Анастасия ПАРХАМОВИЧ**

# ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Санъатшунослик ва маданиятшуносликнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Давра суҳбати тарзида ўтказилган тадбирни институт ректори, профессор Б.Сайфуллаев очди. Санъатшунослик фанлари доктори М.Тўлахўжаева, санъатшунослик фанлари номзодлари О.Ризаев, М.Аҳмаджонова, филология фанлари номзоди Ш.Ризаев, ёзувчи Э.Аъзам, тарих фанлари номзоди Қ.Нишонбоева театршунос кадрлар тайёрлашда инновацион лойиҳалар, томоша даргоҳларини кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар ва тайёрланаётган кадрларнинг ижодий фаоллигини ошириш шакллари, экран драматургияси, маданиятшунос мутахассислар тайёрлаш ва инновацион ҳамкорлик каби масалалар юзасидан маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан бўлган давра суҳбатида санъат ва маданият ўқув юртлари педагоглари, мутахассис олимлар, турли жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Ўз ахборотимиз.**

Кўргазма залларида

# "ҚАЕРГА ШОШИЛАМИЗ?"

Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли мусаввир Солижон Маматқуловнинг "Қаерга шошиламиз?" деб номланган кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг бир юз етмишдан ортиқ акварел, графика ва карикатура жанрларидаги асарлари намойиш этилмоқда.

С.Маматқулов ижодида замондошлар ҳаётидан лавҳалар ва манзарали портретлар етакчилик қилади. Ҳаётий кузатишлари асносида яратилган турфа рангларга бой тасвирлар одамларни меҳр-оқибатли бўлишга, аҳилликка чорлайди. Унинг "Икки инсон" туркумидаги "Куй", "Гули", "Деси портрети" каби портрет асарлари томошабинни фикрлашга ундайди. Ф.Достоевский асарларига ишланган иллюстрациялар ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан эътиборни тортади.

Карикатура йўналишларидан бўлган шарж жанри мусаввир ижодида алоҳида ўрин тутади. Бундай ишлари орасида Людмила Гурченка, Луи де Фюнес каби таниқли санъаткорларга бағишланган шаржлар халқаро карикатурачилар кўргазмасида совриндор бўлган. Муҳими, "Қаерга шошиламиз?"деб номланган мазкур кўргазмага қўйилган суратлар айни саволга жавоб беради ва томошабинни мулоҳазага чорлайди.

**Муҳаммаджон РЎЗИМАТОВ**

# БАҲОР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида халқаро Хотин-қизлар байрамига бағишланган анъанавий "Баҳор вернисажи" кўргазмаси очилди. Унда юртимизда ижод қилаётган аёл рассомларнинг нафосатга йўғрилган рангтасвир, ҳайкалтарошлик асарлари билан бирга, жимжимадор тўқилган ҳамда гулли шойидан яратилган либослар намойиш этилмоқда.

Баҳор ва аёллар гўзаллигини мадҳ этувчи мазкур кўргазмада таниқли мусаввирлар Гулнора Раҳмонова, Назира Қўзиева, Татьяна Ли, Искра ва Светлана Шинлар билан бир қаторда Сарвиноз Қосимова, Гулчеҳра Саидова, Муҳаббат Ёқубова каби ёш ижодкорларнинг асарлари илк бор томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Либос тўқувчи уста Лариса Тен тиккан кийимлар ва шойига гул босишнинг бутун гўзаллигини намоён этган самарқандлик Шоира Ғаниеванинг ишлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

# "ОСКАР—2013"

Санъат оламидаги энг нуфузли анжуманлардан бири — "Оскар" кино мукофотининг навбатдаги ғолиблари аниқланди. Бу йил 85-маротаба ташкил этилган танловнинг бош соврини, кутилганидек, Бен Аффликнинг



"Арго" операцияси" филмига насиб қилди. "Олтин глобус" ҳамда Британия кино академияси совринларига сазовор бўлган ушбу филм кино тарихидаги энг муваффақиятли лойиҳалардан бири сифатида тан олинди.

Бироқ "Энг яхши режиссёрлик иши" йўналишида голливудлик аргонавтларни "Пининг ҳаёти" филми режиссёри, хитойлик Энг Ли ортда қолдирди. Шунингдек, осиёлик ижодкорлар "Энг яхши операторлик иши" ҳамда "Энг яхши махсус эффектлар" номинациясида ҳам ғолибликни қўлга киритишди. Стивен Спилбергнинг "Линколн" тарихий драмаси эса режиссёрлик йўналишида бирорта ҳам мукофотга сазовор бўлгани йўқ. Филмда бош ролллардан бирини ижро этган Дэниел Дей-Льюис энг яхши эркак роли ижрочиси сифатида эътироф этилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Д.Дей-Льюис учун бу актёрлик ижроси номинациясидаги учинчи "Оскар" мукофоти ҳисобланади. Актёр бу борада ўзига хос рекорд ўрнатишга эришди.

Кан мукофотининг бош совринига лойиқ топилган "Муҳаббат" картинаси асосий совриндорлар қаторидан жой ололмади. Филм режиссёри Михаэль Ханеке "Хориж тилидаги энг яхши филм" йўналишидаги соврин билан кифояланди. Дарвоқе, йилнинг энг яхши анимацион филмига аталган мукофот "Шерюрак" картинасига топширилди.

# МИСР ЭҲРОМЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИМИ?

Жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Мисрнинг Жиза эҳромлари яқин йиллар ичида хусусий тадбиркорларга ижарага берилиши мумкин. Ушбу лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, ҳозирги пайтда кўплаб хорижий тадбиркорлар кўҳна эҳромларни ижарага олишга қизиқиш билдирмоқда. Агар бу режа амалга ошадиган бўлса, эҳромлар ижарасидан олинадиган даромад икки юз миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

Бироқ ушбу лойиҳага қарши чиқувчилар ҳам пайдо бўлмоқда. Уларнинг фикрича, Жиза эҳромлари каби ноёб ёдгорликларни ижарага бериш катта хавф туғдиради. Чунки ушбу обидаларнинг меъморий ҳолати олимларнинг доимий назоратини талаб қилади. Бундан ташқари, пирамидаларнинг ижарага берилиши сайёҳлар сони камайишига олиб келиши мумкин.



Етти ранг

Миср эҳромларини ижарага олишни 2011 йили қатарлик ишбилармонлар ҳам таклиф қилишганди. Бироқ ҳанузгача бу борада аниқ қарорга келингани йўқ. Айрим маълумотларга қараганда, Луксор ҳамда Абу-Сумбелда жойлашган қадимий ибодатхона ва эҳромлар ҳам маълум вақт давомида ижарага берилиши мумкин.

# ЭНГ ЯХШИ СЦЕНАРИЙЛАР

Жаҳон киноси хазинасидан ўрин олган филмлар ҳақида сўз борганда машҳур режиссёрлар билан бир қаторда сценарий муаллифлари ҳам тилга олиниши бежиз эмас. Айниқса, бугун кино санъати ривожланган даврда бадиий савияси юқори сценарийларга эҳтиёж ортмоқда.

Яқинда АҚШ сценарийнавислар уюшмаси катта лойиҳага қўл урди. Кино мутахассислар орасида ўзига хос сўров кўринишида ўтказилган ушбу лойиҳа доирасида кино тарихида энг яхши деб ҳисобланган бир юз битта сценарий танлаб олинди. Албатта, саралаш жараёнида филмларнинг халқаро миқёсдаги ютуқлари эътибордан четда қолгани йўқ. Унга кўра, кучли ўнталикдан ўрин олган сценарийлар қаторида Фрэнсис Форд Копполонинг "Чўқинтирган ота" филмининг иккала қисми ҳам бор. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, филмнинг сценарийси режиссёр томонидан машҳур ёзувчи Марио Пьюзо билан ҳамкорликда яратилган.

Ушбу рўйхатдан, шунингдек, "Касабланка", "Фуқаро Кейн", "Жазда фақат қизлар", "Телетармоқ", "Энни Холл", "Хитой квартали" каби машҳур картиналар ўрин олган. Мазкур рўйхатга киритилган асарларнинг салмоқли қисми Голливуд ижодкорларига тегишли бўлса-да, улар орасида хитойлик ва япониялик кино усталари яратган сценарийларни ҳам учратиш мумкин.

# МАДОННА ЯНА ШОҲСУПАДА

Эстрада санъати тарихидаги энг машҳур аёл хонандалардан бири Мадонна мухлисларни ҳайратга солишда давом этмоқда. "Billboard" журналининг хабар беришича,



2012 йил якунларига кўра Мадонна энг катта даромад кўрган хонанда сифатида тан олинди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ижодкор ўтган йил давомида қарийб 35 миллион доллар ишлашга муваффақ бўлган. Эътиборли жиҳати, бу маблағнинг 90 фоизи дунё мамлакатлари бўйлаб ўтказилган гастроллар чоғида қўлга киритилган. Мадонна иштирокида уюштирилган шоу-концертлар сони саксон саккизтани ташкил қилган. Улар орасида, айниқса, Осиё ҳамда Европа мамлакатларида бўлиб ўтган ижодий сафарлар катта муваффақият келтирди.

Энг сердаромад хонандалар рўйхатида иккинчи ўринни Брюс Спрингстин банд этган. У дунё мамлакатлари бўйлаб уюштирилган концертлари эвазига 34,5 миллион доллар ишлаган. Учинчи ўринни эса афсонавий "Pink Floyd" жамоаси аъзоси Роджер Уотерс эгаллади. Хонанданинг "The Wall Live" номли концерт дастури 21 миллион доллардан ошиқ даромад келтирди.

# СПИЛБЕРГ ВА НАПОЛЕОН

Машҳур Голливуд режиссёри Стивен Спилберг сўнгги йилларда тарихий мавзудаги картиналарга катта қизиқиш билдираётгани сир эмас. Буни режиссёрнинг "Жанговар от", "Линкольн" каби филмлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Эндиликда таниқли кино устаси яна бир катта лойиҳа устида иш бошлаган. Унга кўра, Спилберг буюк француз саркардаси ва императори Наполеон Бонапарт ҳаётига бағишланган сериал ишлашни мақсад қилган.

Ҳозирча суратга олиш ишлари бошланмаган бўлса-да, филмда иштирок этувчи актёрлар жамоаси тез орада эълон қилиниши лозим. Янги картина адабий асоси сифатида таниқли кинодраматург Стэнли Кубрик қаламига мансуб сценарий танланди. Бироқ режиссёрнинг бу қарори аксарият мухлисларни ҳайратга солди. Негаки, С.Кубрик қаламига тегишли сценарий 1961 йили яратилган бўлиб, узоқ вақт давомида ижодкорлар эътиборидан четда қолиб келган. Шунга қарамай, Спилберг ушбу сценарийдан воз кечиш ниятида эмас. Аксинча, режиссёр Кубрик фойдаланган бошқа тарихий манбаларни ҳам ўрганишга киришган.

Албатта, Спилбергнинг янги лойиҳаси ҳозирданоқ катта шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Аммо мутахассислар янги картинанинг муваффақиятига шубҳа билан қарашмоқда. Негаки, Спилбергнинг тарихий мавзудаги филмлари томошабинлар орасида чинакам эътироф қозонгани йўқ.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

Анвар ОБИДЖОН



«ШЧ» ханДаси

Бу кишининг уйига
Бошлаб борган бир ошнам.
Қаранг, тарқоқ зотларни
Оддий шавла қилди жам.

Кейин бирга бўлганмиз
Каттакон бир йиғинда.
Аҳвол сўрай олмадим,
Афсус, ўша тиқинда.

Минбарда ваъз айтиб у,
Чойни «хўр-хўр" хўплади.
Анжумандан чиқибоқ,
Ичишга пул тўплади.

Қисқаси, бу адибни
Бир мақташни кўзладим.
Асли... имо қилди шеф,
Мен... қотириб сўзладим.

## МУТОЙИБА

Замонавий бир «коҳин»
Ўгит айтди никоҳда:
— Бир-бирингиз эр-хотин
Алдаманглар никогда!

## БИР РОК ШОИРИГА

У дунёда шилсалар
Агар терингни,
Демак, ўқиб кўришган
Бирон шеърингни.

## АДАБИЙ УЧРАШУВДА

Саволим йўқ адибга,
Фақат айтар гапим бор.
Ўқиганман китобин,
Ўта нозик таъбим бор.

## ЁШ ҚАЛАМКАШ

Гўё тунда хавфсизлик
Камарини тақмасдан,
Машинасин елдирар,
Чироғини ёқмасдан...

Ғўррoқ... бироқ ботирроқ.

## ОШИҚ КЕСАКЛАР

Туйқус ўзин ўзи қилгандек итоб,
Юмаланди кесак жўякда шитоб.
Ўтларни эзғилаб ўтиб бастида,
Тўхтади пастдаги кесак устида.

Бу ҳолни деҳқонча ҳазиллаб десак:
Ҳомиладор бўлди пастдаги кесак.

## ИЖОДИЙ КЕЧА

Баҳодир Муртазоев кўп йиллардан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритиб келмоқда. Кларнет ва саксофон чолғуларининг моҳир ижрочиси бугунги кунда профессор сифатида олий ўқув юрти талабаларига мусиқа сир-асрорларидан, созандалик маҳоратидан сабоқ бермоқда.

Куни-кеча консерваторияда моҳир созанда ва педагог Б.Муртазоевнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. "Саксофон шоу" деб номланган ушбу тадбирда устоз синфини битирган ҳамда ҳозирги кунда таҳсил олаётган шогирдлари қатнашди. Консерватория ректори Д.Муродова, профессор Б.Матёқубов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳ.Ражабий ва бошқалар Б.Муртазоевнинг мусиқа маданиятимизга қўшган ҳиссаси ҳақида сўзладилар.

**Гулҳаё УЗОҚОВА**

## ТАЛАБА ҚИЗЛАР ТУҲФАСИ

Таниқли ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов раҳбарлигидаги "Азамат ва азаматлар" гуруҳи халқаро Хотин-қизлар байрамига "Янги нафас фаришталари" деб номланган кўргазма ташкил этди. Қуролли Кучлар музейида очилган мазкур кўргазмада ўн олтита талаба қизнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат йўналишида яратган асарлари намойиш этилмоқда.

Устоз-шогирд анъаналарининг умрбоқийлигига муносиб ҳисса қўшаётган "Азамат ва азаматлар" тўгарагининг З.Муҳаммадиева, Б.Пардаева, С.Қосимова, К.Ҳайдарова, Н.Ли, М.Бекназарова, Д.Солиева ва бошқа фаол қатнашчиларининг турли жанрдаги ранг-баранг ишлари мухлислар ва мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА**

## БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида шу йил 12 март, сешанба куни соат 15.00 да Театр ва кинодраматургия кенгашининг, 15 март, жума куни соат 11.00 да Халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишлари ўтказилади.

Тадбирларга шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.**

## БАҲОР ВА АЁЛ

Расcом Анна Горобцова ўз ижодини "Мин хва" деб номланган қадимий корея рассомлик санъати йўналишида суратлар ишлаш билан бошлаган. Бу йўналишнинг ўзига хослиги шундаки, унда суратлар гуруч қоғозига ишланиб, акварелда бўёқ берилади. Асосан эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишлаб суратлар яратаётган рассом ижодида оила қадриятлари, миллий анъаналаримизни тарғиб этувчи асарлар алоҳида ўрин тутади, "Оила тумори" ҳамда "Триптих" картиналари бунинг ёрқин мисолидир. "Сирли Марс", "Ой мусофири", "Ойдин кечадаги кўл", "Ғаройиб туш", "Мулоҳаза" каби картиналари эса рассом фантастик мавзуда ҳам ўзига хос асарлар яратаётганидан далолат беради.

А.Горобцова рассомликдан ташқари, ёзувчиликда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Кўпгина шеърлари, эртак ва масаллари матбуотда эълон қилинган. 2006 йили лирик шеърлар ва эртаклардан иборат "Севги боғи" китоби чоп этилди. Айниқса, таниқли рассомлар асарларига бағишланган шеърлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Пойтахтимиздаги Икуо Хираяма халқаро Маданият карвонсаройида рассом Анна Горобцованинг "Баҳор ва аёл" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Бадиий академия, бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Маданият карвонсаройи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада рассомнинг қирқдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. "Обод турмуш йили" ҳамда халқаро Хотин-қизлар байрамига бағишланган бу кўргазма мухлисларда баҳорий кайфият уйғотиши, шубҳасиз.

Кўргазма залларида



**Рамиз ВАЛИЕВ**

## СОВҒА

Ҳажвия

Йўлдошбойнинг кайфияти чоғ. Чунки бугун у маош олган. Бунинг устига хотинининг туғилган куни. Эркакларнинг ҳар йили икки маротаба — ҳам аёлининг туғилган кунида, ҳам 8 март муносабати билан чиқимдор бўлишини назарда тутсак, Йўлдошбойнинг бу томондан омади чопган: хотини 8 март куни туғилган.

Эрталаб уйдан чиқаётганида, пул олсам хотинимни бир хурсанд қилай, деган ниятни кўнглига тугиб қўйди. Мана, анча вақт бўлибдики, ўз билганича бирор совға олмаган. Бу гал бир қизиқ бўлсин...

Маош ҳам ниятига яраша бўлди. Яхшиям аёлларимиз бор экан. Шулар баҳонасида айрим ҳомий ташкилотлар мукофот ҳам бериб туради.

Йўлдошбой шуларни ўйлаб, пулни олдию бозорга югурди. Жўраларининг ҳар хил пичинг гап-сўзларига парво ҳам қилмади.

Бозорга кириб туйқусдан ўйланиб қолди: «Нима олсам экан? Э, ҳа, тунов куни хотиним қўшни аёл кийиб чиққан янги кўйлакни оғзининг суви келиб мақтаганди. Ўшандан оламан, иложи бўлса, ундан ҳам зўридан».

Айлана-айлана, охири ўша матони топди.

— Синглим, мана шу газмолингиздан бир кийимлик берсангиз.

Сотувчи матони чаққонлик билан ўлчаб-қирқиб бежирим қилиб тахлади-да, Йўлдошбойга узатди.

— Хўш, энди, мана бунисидан ҳам бир кийимлик, иложи бўлса, лозимга ҳам етадиган бўлсин.

«Мана, энди хотиним ҳақиқатан ҳам хурсанд бўлади-да», деди-ю йўлга тушди.

Уйга кириб келганида хотини қозон-товоқ билан овора экан. Қўлидаги совғани билдирмай, дарвозахонанинг бир четига қўйдида, қуруқ қўл билан хотинига юзланди.

— Нечук, бугун эрта келиб қолибсиз? Байрам баҳонасида маишат қилмадингизларми?

— Пул бўлганда-ку, ўзим билардим-а. Мана, бор-йўғи шунинг ўзи.

Йўлдошбой газмолдан қолган пулни хотинига узатиб, сўради:

— Бугун нима тамадди қиламиз?

— Қўшнимизникидан сут олиб чиқдим, ширгуруч қилаяпман.

— Шу ҳам овқатми?

— Рўзғорда нима бор, нима йўқ, ишингиз бўлмаса. Аёл бошим билан мен нима қилай?

— Бирам тилингиз заҳарки, онаси. Қалампир суртиб олганмисиз?

— Шунақа, тўғри гап туққанинггаям ёқмайди...

Йўлдошбой қараса, хотинининг асаби қақшаётир. Ҳозироқ мавзуни ўзгартирмаса, оқибати ёмон тугаши мумкин.

— Хўш, бўпти, онажониси, айб бизда. Сал пастроқ тушинг. Бугун байрам бўлса, гўшт ҳам, сизга совға ҳам бўлади...

— Олиб келган мана шу тўрт тангангизга ишониб айтаяпсизми бу гапни? Кўрамиз, қай бирига етар экан. Шунча йилдан бери бўлмаган совға энди бўлармиди?

Хотини супургини қўлга олди-да, кўча эшик томон юрди. Дарвозахонага келдию, бир четда бежирим ўралган нарсага кўзи тушиб Йўлдошбойга юзланди:

— Ҳой, дадаси, манави нима?

— Буми, ҳалиги... сенга... кейинроқ берарман дегандим.

Хотини матоларни бир-бир кўрди-ю, оғзи очилиб қолди.

— Ростданам менгами?

— Сизга бўлмай нима, менгамиди?

— Вой адажониси-я, жуда ажойибсиз-да. Айтганча, буни пластикка харид қилдингизми ёки...

— Ҳа, энди, бир совға олдик-да. Нақдими, пластикми, сизга нима.

— Дадаси, жаҳл чиққанда ақл кетади, дейишади. Баъзи аччиқ гапларим учун...

— Шу ўзингизмисиз? Шунинг учун ҳам совға олмасдим-да.

— Нимага?

— Ахир, сиз бунчалик мулойим, самимий, беозор бўлиб қолсангиз, заҳаромуз сўзларингизни соғиниб қоламан-да.

Шу пайт Йўлдошбойни дўстлари йўқлаб келиб қолишди. У: "Онаси, бизга рухсатми?", дегандай хотинига юзланди. Хотини эса эрига қараб "Чойхонага пластик карта ўтармикан", деди-да ,бақрайди-қолди.

**Асрор СУЛАЙМОНОВ**

## АЁЛЛАР УЧУН ЙОГ МАШҚЛАРИ

Соғлиғинг — бойлиғинг...

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари кўпйиллик тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келди: барча касалликлар муайян даражада қон айланиши бузилиши билан боғлиқ экан. Бирор-бир аъзода қон яхши айланмай туриб қолса, ўша жойда яллиғланиш бошланиб, тўқима ва ҳужайралар шаклини, кўринишини ўзгартиради, яъни бармоқни ип билан қаттиқ боғлаб, қон ўтишини қийинлаштирган каби ҳолат юз беради. Аёлларда кичик тос атрофида рўй берадиган асосий касалликлар ҳам шу ҳолат билан боғлиқ. Бу бир жойда қимирламай узоқ ўтириш, камҳаракатлик оқибатида келиб чиқади. Ҳолбуки, эркагу аёл — барчага ҳаракат сув билан ҳаводек зарур.

















Йоготерапевт Екатерина Стремецкаянинг таъкидлашича, тос атрофида қон айланишини яхшилаш учун бажариладиган йог машқлари аниқ маромда, бирон аъзога оғирлик туширмай эркин бажарилиши талаб этилади. Шунинг учун машқлар жараёнида бутун эътибор тос атрофига қаратилади. Суякларнинг жойлашиш ҳолати кўздан қочирилмаган тарзда машқлар ҳар бир ҳаракатдан муайян самара олингунча секинлик билан давом эттирилади. Аёллар учун "хатха-йога" машқлари тартиби қуйидагича:

1. Йоглар гиламчасига елка билан ётинг ва оёқларни букинг (тиззаниияккача олиб бориш шарт эмас, муҳими тос суяги (думғаза)нинг ерга қулай жойлашиши). Сўнгра битта оёғингизни букиб, қўлингиз билан ушлаб туринг. Кўзни юминг ва танангизни гўё иккала оёғингиз ҳам полда ётгандек тутишга ҳаракат қилинг. Нафас олинг ва уни тос йўналиши бўйича чуқурроқ чиқаришга уринг. Бунда ҳаво тос суяги тубига қадар етиб бораётгандек сезги ҳосил бўлиши керак. Тананинг ҳар икки қисмида бир-бирига уйғун ҳолда сезгилар пайдо бўлиши билан ушбу машқни иккинчи оёқ ёрдамида ҳам бажаринг. Бу машқ тос суягини текис тутишга ёрдам беради.

2. Ўзингизга қулай ҳолда жойлашиб, оёқларни бир-бирига чалиштириб ўтиринг. Тос остига унча катта бўлмаган қаттиқ ёстиқча қўйган яхши. Сўнгра соат миллари йўналиши бўйича думғазани кичик доира бўйлаб секин ҳаракатлантиринг. Бу микроҳаракат секин ва у қадар аниқ бўлмаса ҳам, фикрни сезгиларда тўплаш жуда муҳим — айнан думғаза доира ҳосил қилиб айлансин. Шундан сўнг бу ҳаракатни олдинга ва орқага йўналтириш мумкин. Агар мазкур машқ ҳар куни бажарилса, мўъжизага гувоҳ бўласиз, яъни белдаги оғриқлар барҳам топади, тос тубидаги мушаклар чиниқади, умуртқа ўз жойида барқарорлашади. Бунинг ҳаммасига микроҳаракат туфайли эришилади.

3. Қаттиқ ёстиқча устига капалак шаклида жойлашиб ўтиринг. Икки оёқнинг тагини бир-бирига тегизиб, тиззаларни икки томонга бир оз ёйинг ва қўлларингиз билан орқага таянган ҳолда елкангизни тўғри тутишга ҳаракат қилинг. Шу ҳолда тосни бўшаштирганда тиззаларингиз ўз оғирлиги билан ерга тушаётганини ҳис қиласиз. Сўнгра ўнгланиб, ўзингизни эркин қўйинг. Бунда тосдаги ва белдаги бўғимларнинг секин очилиши, мушакларнинг пружинадек ҳаракатланиши муҳимдир. Албатта, бу машқни бажариш учун муайян вақт талаб этилади. Бироқ уни телевизорни томоша қилиб туриб ҳам бажарса бўлади.

4. "Арқон тортиш" машқини бажариш учун қайиш, камар зарур. Яна қаттиқ ёстиқча устига ўтириб, оёқларни тўғри ҳолда икки томонга ёйинг. Камарни ўнг оёқ товонидан ўтказиб, чап қўлда ушланг. Ўнг қўлни эса нафас чиқарган кўйи елканинг орқасига ўтказинг. Елкани тўғри тутган ҳолда камарни секин-аста тортиш керак. Ҳар бир оёқда бир неча марта "арқон тортиш" машқи бажарилади. Бу машқ бел ва тос бўғимларининг чигалини ёзиб, мушаклар бўшашишига ёрдам беради.

5. Ўнг ёнбошга эгилиб, ўнг қўл панжалари ва ўнг оёқ тиззаси билан ерга таянган ҳолда, чап оёқни тўғрига узатиб, чап қўлни юқори кўтарасиз. Сўнгра тосни бир томонга ҳаракатлантирасиз. Бутун оғирликни ўнг томондаги қовурға ва қорин орасидаги суяк томон йўналтириб, нафас чиқарганда ўнгга, нафас олганда қуйига қаратасиз. Бунда ўнг қўл ҳам аста-секин тебраниш ҳолатига қўшилади. Пировардида танангиз суратдаги ҳолатда қайрилади. Бироқ бунда ҳамма нарса тосга таянилган ҳолда бажарилади. Машқни иккинчи ёнбошга эгилган ҳолатда бошқа оёқ билан ҳам бажаринг.

6. Оёқларни кенг ёйиб, икки кафтингизни кўкрак қафаси олдида бир-бирига жипслаштиринг. Нафас чиқараётганда ўтиринг, бунда бел ва тиззалар икки томонга кенг ёйилади ва тос ҳамда думғаза олдинга ва орқа томон тортилади. Бутун тана тик ҳолда бўлади. Эркин нафас олиб, шу тарзда ўттиз сония турилади. Бундай ҳолда ўтириб-туриш чоғида тос суяги атрофи яхши чиниқади, бу машқ она бўлишни истовчи барча аёллар учун ниҳоятда фойдали. Машқни кун давомида тез-тез такрорлаб туриш мақсадга мувофиқ.

7. Аввалги машқдаги ҳолатда қолганча олдинга эгилиб, иккала қўл кафти билан ерга таянасиз. Сўнгра бир оёқнинг тиззасини букиб, иккинчи оёқни ён томон чўзиб гоҳ у, гоҳ бу ёнбошга бурилиб эгиласиз, тортиласиз.

8. Елкада ётиб, оёқларни букинг ва икки қўлингиз билан тиззаларни тутиб туринг. Ерга қулай жойлашган тос суягини гоҳ у, гоҳ бу томонга, гоҳ орқа ва олдинга ҳаракатлантиринг. Бунда елка, умуртқа яхши массаж олади. Айниқса, бел қисмидаги оғриқларга яхши шифо бўлади. Мазкур ҳолатда бироз туриб, тос суяги томон нафас чиқариш керак. Шунда тос суяги атрофидаги мушаклар бўшашади. Айниқса, аёлларда гормонлар фаолияти яхшиланиб, жинсий аъзолар тизими меъёрга келади. Бу машқ "хатха-йога"да "бахтли оналик машқи" дейилиши бежиз эмас.

**Интернет хабарларидан.**

## "КЎНГИЛ МУЛКИ УСТУНЛАРИ"

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Суннат Сайдалиевнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган "Кўнгил мулки устунлари" номли китобига ижодкорнинг турли йилларда ёзган очерклари, лавҳа ва эсселари жамланган.

Китобга жамланган асарларга, жанр ва мазмун-моҳиятига кўра, беш бўлимдан иборат қилиб тартиб берилган. "Маънавият — эзгулик, қуёшга қиёс этгулик", деб номланган илк бўлимда ёш авлодга таълим-тарбия беришни, улар онги, қалбини маънавий фазилатлар билан бойитишни умрининг мазмуни деб билган таниқли олимлар, ижодкорлар фаолияти, ибратли ишлари ҳақида сўз юритилади. Чунончи, олим Муҳаммад Тошболтаев, ижодкорлар Неъмат Ёқубов, Тоҳир Мирҳодиев, Жўра Фозилнинг илмий ва ижодий ишларидаги ютуқлар сири бир қатор очеркларда батафсил очиб берилган.

Доимий ҳамроҳ

Китобнинг кейинги "Дам ғанимат, дийдор ғанимат", "Ўтганларни ёд этиш — инсоний бурч" номли бўлимларидаги мақола ва лавҳаларда ўзига хос қадриятлар сирасига кирадиган оддий инсоний муомала-муносабатларнинг, ўзаро суҳбат-гурунгларнинг маданий, тарбиявий аҳамияти, бугунги кунда маҳаллаларда амалга оширилаётган ободончилик ишлари, эл-юрт хизматига камарбаста бўлган инсонларнинг ёрқин хотираси ҳақида сўз юритилади. Муҳим жиҳати шундаки, бу асарларда ҳам муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ҳаётий воқеаларга, конкрет шахсларнинг намуна бўлгулик эзгу ишлари талқинига уйғун тарзда ифодаланган. Бу жиҳат, хоҳ мақола, хоҳ лавҳа бўлсин, уларнинг ўқишлилигини таъминлаган.



"Ер — хазина, сув — гавҳар" деб номланган бўлимдаги мақола ва очерклар бугунги кунда деҳқончилик маданиятини кўтараётган миришкорлар, айрим кони фойда мевалар, уларнинг шифобахш хусусиятлари, бундай неъматларни кўпайтириш чоралари ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, "Ёнғоқ шундай мўъжизаки..." очеркидаги мавзу таҳлили ва унда кўтарилган масала билан боғлиқ акс-садолар, амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ.

Муаллифнинг "ҳаёт китоби"дан олган сабоқлари ва бундан келиб чиққан фикр-мулоҳазалари, хулосалари баён этилган "Биздан яхши ном, эзгу иш қолсин" номли эссеси ўқувчиларга, айниқса, ёшларга уқтирилиши лозим бўлган ҳаётий лавҳаларга бойлиги билан қимматли.

Китобга Рустам Бойтўра муҳаррирлик қилган.

---

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор

**Пўлат НОСИРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси режиссёр Муборак Мадазимовага онаси

**ҲУРИ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри фахрийси

**Раиса МУҲИДДИНОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди таниқли адабиётшунос олима ва таржимон

**Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 00.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 7085 Буюртма Г — 344. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X